O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 15-fevral, chorshanba ✸ № 7 (759) ✸ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✸ elektron manzil: hurriyat@doda.uz ✸ www.uzhurriyat.uz

БЕБАҲО БОЙЛИК



Мамлакатимизда етиштириладиган қоракўл тери сифатининг юқорилиги, рангининг жилодорлиги билан алоҳида қимматга эга. Шу боис, кейинги йилларда қоракўл қўйлар сонини кўпайтириш ва наслини яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

➪ 3-бет

ТОРТИНЧОҚЛИК КАСАЛЛИКМИ?



"The Daily Telegraph" нашрининг ёзишича, Америка психологлар ассоциацияси ходимлари уятчанликни оғир йўқотишлар натижасида юзага келадиган психик касаллик аломати, дейишмоқда. Буюк британиялик ва америкалик бир гуруҳ олимлар эса мазкур хулоса миллионлаб одамларни асоссиз беморга чиқариб қўйишини ҳисобга олиб, бу фикрга қарши чиқишди.

➪ 5-бет

АБАДИЯТНИНГ ШОҲ ШОИРИ

Бобур қисматнинг шоири эди. Ўз борлиғида шоҳлик билан шоирлик қисматини уйғунлаштиролган дилбар инсон. У шоҳлик азоб-уқубатларини, қувончу шодликларини, бахту фожиасини шоирлиги туфайли тўғри англади, дунёни мукаммалроқ идрок этди, ўзгалар қалбига кириб бора олди. ...Ва шу жиҳатлари билан абадиятнинг шоҳ шоири бўлиб қолади.

➪ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✸ **10 февраль куни Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

✸ Миллий авиакомпаниямиз замонавий ва барча қулайликларга эга бўлган «Boeing-767-300ER» ҳаво лайнери билан бойиди.

✸ **Ўзбекистон Республикасининг Люксембург Буюк Герцоглигидаги элчиси (қароргоҳи Брюсселда) Бахтиёр Ғуломов Люксембург Буюк Герцоги Анрига ишонч ёрлиқларини топширди.**

✸ Мамлакатимизнинг Шанхайдаги Бош консуллиги томонидан Хитойнинг Фудан университетида Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон тақдимоти ўтказилди.

✸ **Бельгияда чоп этиладиган оммабоп «Weekend KNAAK» журнали саҳифасида таниқли журналист ва фоторассом Йохан Франсеннинг «Ўзбекистон — Буюк Ипак йўлининг юраги» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди.**

✸ Жанубий Кореяда нашр этиладиган «The Korea Times» ва «The Korea Post» журналлари саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Корея Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган мақола эълон қилинди.

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

✓ Болалар спорти



У.РАҲМОНҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат

ЁШ ГИМНАСТИКАЧИЛАР МАКТАБИ

Президентимиз Ислом Каримов ҳараҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга, хусусан, қизларни спортга кенг жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда бадиий гимнастика ва спорт гимнастикасининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Жиззах шаҳридаги гимнастикага ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 450 нафарга яқин ўғил-қиз спортнинг бадиий гимнастика, спорт гимнастикаси, акробатика каби йўналишлари бўйича сабоқ олмоқда. Бу ерда спорт машғулотларининг юқори савияда ўтиши учун барча шароит ва қулайликлар яратилган. Малакали мураббийлардан маҳорат сирларини ўзлаштираётган ёшлар турли спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Суратда: ёш гимнастикачилар (чапдан) Нозима Мелиева, Муштарий Йўлдошева, Ноила Мелиева.

✓ Ўзбекистон ва жаҳон

ДУНЁДА ИНҚИРОЗ ТАЛВАСАСИ

ёхуд иқтисодий ривожланиш омиллари

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қилинган маърузасида Халқаро валюта жамғармасининг кейинги баҳолаш миссияси баёнотидан қуйидаги иқтибос келтирилди:

"Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир.

Қатор йиллар давомида кузатилган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди..."

2 »

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА "ОЛТИН ҚАЛАМ" VII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Танлов давом этмоқда!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" VII Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2011 йилнинг 31 мартидан 2012 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2012 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУКОФОТЛАР ТАЪСИС ЭТИЛГАН:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1, 2, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар донрасидаги номинациялар:

— журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;

— фаол фуқаролик позицияси учун;

— ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

— ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

— Мустаҳкам оила йилига бағишланган энг яхши материал учун;

— маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;

— ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;

— энг яхши журналистик текширув учун;

— мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;

— энг яхши режиссёрлик иши учун;

— энг яхши матбуот хизмати;

— энг яхши фоторепортаж учун;

— энг яхши карикатура учун;

— чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

"Олтин қалам" танлови ғолиблари ва совриндорларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

— муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

— муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

— паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни 2012 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100129,
Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
3-қават, 30, 35, 37-хоналар
Телефонлар: 244-64-61;
244-64-62; 244-37-87.
www.Journalist.uz

ДУНЁДА ИНҚИРОЗ ТАЛВАСАСИ

ёхуд иқтисодий ривожланиш омиллари

(Бошланиши 1-бетда.)

Нуфузли жамғарманинг баҳолаш миссияси эътироф этган бу таъкиддан сўнг беихтиёр жаҳон бозорида кечаётган инқирозий жараёнлар шароитида, хусусан сўнгги йилларда ва ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида қўлга киритилган натижалар, уларга Халқаро валюта жамғармаси қатори Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда бошқа баобрў халқаро молия ташкилотлари берган юксак баҳолар ҳам кўз ўнгингиздан ўтади. Фахр билан айтиш керак, дунёнинг ривожланган ва етакчи давлатларида юз берган молиявий ва иқтисодий инқироз шароитида биргина ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,3 фоизни ташкил этди. Айни шу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон жаҳонда иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари сафидан жой олди.

Ҳолбуки, бугунги кунда Европа — Евроҳудуд минтақасидаги ривожланган ва ҳатто энг ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти ўсишида эса бу манзаранинг бутунлай тескарисини кўриб турибмиз.

...Ўз замонасининг соҳиби кароматларидан бирига айланиб, башариятнинг келажаги ҳақида башоратлар қилган, амалда ўзини оқламагани учун эндиликда пуч бир ғоя сифатида чипакка чиққан назария муаллифи — соқолли "доҳий"лардан бирининг "Европа бўйлаб бир шарпа оралаб юрибди.

Бу коммунизм шарпасидир", — деган хомхаёллари нафақат шарпа, балки хатар бўлиб чиққанлигини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Жаҳон афкор оммаси эндигина бу хавфдан қутулгандай бўлиб, унинг энг қайноқ нуқтаси — собиқ иттифоқ ҳудудидаги қарам ўлкалар мустақил тараққиёт машаққатларини енгиб, Ўзбекистон тимсолида ўзларининг нималарга қодир эканлигини исботлаш бахтига эришиб турган бир пайтда Европа бўйлаб яна бир шарпа, аниқроғи аянчли хатар оралаб қолди. Бу — глобал молиявий инқироз хатари бўлиб, у ўз домига нафақат айрим мамлакатларни, балки бутун дунёни тортаётганлиги жаҳон афкор оммасини ташвишга солмай қўймаётир.

"Сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади", — деганларидек, ҳар бир воқеа-ҳодисага теран нигоҳ, ўткир мушоҳада билан қараб, ҳамиша огоҳликни ўзига шиор қилиб олган Ўзбекистон ўз мустақил тараққиётининг илк кунлариданоқ бу хавф-хатарни олдиндан сезгандек, ташқи қарзларга эрк бермай, ташқаридан ёрдам кутмай, ҳатто энг илғор давлатлар тажрибасига ҳам эргашмаган ҳолда ўзига хос, ўзига мос йўлдан борди, дунё воқеа-ҳодисаларига танқидий ёндошди. Зеро, Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида жаҳон иқтисодиётига, биринчи навбатда, ривожланган йирик мамлакатлар иқтисодиётига 2008 йилда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳалигача салбий таъсир кўрсатаётгани, ўтган давр мобайнида аҳволни яхшилаш мақсадида кўрилаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, аксарият давлатларда ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг амалда пасайиши кузатилаётгани ва бундай жараён давом этадиган бўлса, у глобал миқёсда рецессия ҳолатига, яъни иқтисодиётнинг ўсиш ўрнига давомли равишда пасайиб боришига олиб келиши мумкинлиги башорат қилинаётганлигини таъкидлади.

Дарвоқе, ҳозир кўпгина тараққий топган мамлакатларда вазият қандай тус олишини олдиндан айтиб бўлмайдиган ва турли хавф-хатарлар сақланиб қолган бир шароитда давлат қарзлари ва давлат бюджети тақчиллиги тобора ортиб бормоқда. Айниқса, жаҳон валюта заҳираларининг беқарорлиги, молия-банк тизими кредит қобилиятининг кескин пасайиши ва инвестициявий фаолликнинг сусайиши билан боғлиқ мураккаб муаммолар кўплаб давлатлар иқтисодиётининг тикланиш ва ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, *2007 йилдан то ўтган йилнинг саккизинчи ойига қадар АҚШнинг 400 га яқин банки инқироз оқибатида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Прогнозларга кўра, бу ҳолат яқин орада ўзгарадиган эмас. Айни пайтда Италиянинг ташқи қарзи 120 фоизни ташкил этмоқда. Францияда аҳвол ундан-да ёмон. Грециянинг ташқи қарзи эса ялпи ички маҳсулотнинг 140 фоизини ташкил этмоқда. Ўзини дунёнинг энг етакчи давлати ҳисоблайдиган АҚШнинг ҳам ташқи қарзлари 14 триллион доллардан ошиб кетди. Аҳолининг сурункали норозилик намойишларига қарамай, Федерал ва штатларда қабул қилинаётган қонунларнинг деярли барчасида ижтимоий ҳимояга йўналтирилган маблағлар кескин қисқартирилмоқда. Европа Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг маълумотларига кўра, яқин йилларда бутун Европа бўйлаб иқтисодий ўсиш суръатлари яна ҳам сезиларли даражада пасайиши мумкин. Мазкур ҳудудда 2011 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 0,3 фоизга пасайиши мумкин. Айни пайтда экспертлар хулосасига кўра, кўҳна қитъадаги айрим мамлакатлар, хусусан, Грецияда юқоридаги каби нохуш ҳолат иқтисодий барқарорликка катта салбий таъсир қилмоқда. Экспертлар хулосаларига кўра, тезкор чоралар кўрилмаса, глобал инқирозларнинг навбатдаги хатарли тўлқини бошланиши эҳтимолдан холи эмас.*

Грециядек ҳайратомуз тарихий ёдгорликлар ўлкасини олинг: Мамлакатда машҳур обида — Акрополнинг ижарага қўйилиши, аввалига унинг бир кунлик ижара ҳақи 4000 евро, эндиликда эса 1600 евро қилиб белгиланганлиги тўғрисидаги эълондан таажжубга тушасан, киши. Бу ҳолат "Этник грекlар олий кенгаши бирлашмаси" томонидан шармандалик ва ҳатто ундан ҳам баттар, деб баҳоланган шарҳ талаб қилмайдиган воқеийликдир.

Четдан 14 триллиондан ортиқ ташқи қарзи бўлатуриб, дунёга таҳдид солиб турган океан ортидаги корчалонларнинг ҳам бугунги аҳволини бир тасаввур қилиш қийин эмас. Гегемонликда ашаддий корчалонлар яшайдиган иқтисодий-молиявий маркази — Уолл-стритда ижтимоий ёрдамлар ва ижтимоий лойиҳаларнинг кескин қисқартирилишига қарши бошланган норозилик намойишлари бир неча ойдан буён давом этмоқда...

Айни молиявий ва иқтисодий таназзул ва мамлакатларда юз берган нотинчлик ҳамда турли хил сиёсий ихтилофлар асносида Португалия бош вазири Жозе Сократеш, Италия бош вазири Силъвио Берлуско истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Испанияда бўлиб ўтган сайловларда Хосу Луис Сапатеро, Грецияда Папандреу партияларининг мағлубиятга учраб, истеъфога кетишлари таназзулга чора бўлолмайди, албатта. Буларнинг ҳаммаси Президентимиз маърузасида айтилганидек, **"Саккизлик" ва "йигирмалик"деб аталган мамлакатлар гуруҳлари доирасида қабул қилинаётган қарорларга қарамасдан, энг аввало, жаҳон молия-валюта тизимида инқироз келтириб чиқараётган муаммоларни ҳал этиш ва керакли назорат ўрнатиш бўйича ягона иқтисодий модел ҳанузгача ишлаб чиқилмаган. Бу эса жаҳон иқтисодиётида ҳал қилувчи ўрин тутадиган йирик давлатларни ўз манфаатларини ўйлаб, ўз билганича ҳаракат қилишга мажбур этмоқда."**

Жумладан, молиявий жиҳатдан ўзини тамоман мустақил ҳисоблайдиган Буюк Британия евро ҳудудига кирмади. Евро ҳудудига кирган давлатлар эса евро тақдири таҳликали ҳолатда қолишининг олдини олиш мақсадида мазкур давлатни ҳам ҳамкорликка чорлашни ихтиёр этдилар. Бироқ бу фикрни консерватив инглизлар инкор этгач, Евроҳудуд доирасида уларга нисбатан еврони инқирозга олиб боришда айбдор қилиб кўрсатишдек ҳаракатлар содир бўлди. Шунингдек, Германия устида ҳам Греция ва бошқа бир қатор давлатларни евро зонасидан чиқариб юбориш, ҳатто евронинг келажагига ишончсиз қараш оқибатида ўз янги валютасини жорий этиш ҳаракатида эканлиги тўғрисида хабарлар тарқала бошладики, ҳар ҳолда шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди...

Ана шу мисоллардан келиб чиқиб, бугун яққол хулоса қилса бўлади: молиявий-иқтисодий инқирозлар ҳар бир мамлакат ҳаётида рўй бериши мумкинлигини худди олдиндан кўра билгандек, Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган машҳур беш тамойил, хусусан, иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги ва кучли ижтимоий ҳимоя тадбирлари мамлакатимиз учун бамисли қалқон воситасини ўтади. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг **"Жаҳон молиявий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари"** асари нафақат мамлакатимиз миқёсида, балки дунё жамоатчилигини ҳам инқироз хатарларидан ўз вақтида огоҳ этишга хизмат қилди. Таъкидлаш жоизки, Юртбошимиз маърузасида ўқтириб ўтилганидек, **"Ўз-ўзидан аёнки, жаҳон бозорида кечаётган инқироз жараёнлари ўтган давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичларига таъсир кўрсатмасдан қолмади ва Ўзбекистон иқтисодиётининг 2012 йилга мўлжалланган ўсиш суръатлари ва самарадорлигини таъминлашда катта қийинчиликлар туғдириши мумкин.**

Биринчи навбатда дунё бозорида хомашё ва тайёр маҳсулотга эҳтиёжнинг тобора пасайиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай ҳолат мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ва валюта тушумига таъсир кўрсатмасдан қолмайди".

Шундай муаммолар ва айрим қийинчиликларга қарамай, мамлакатимизда ўтган йилда эришилган залворли ютуқлар билан ҳақли тарзда фахрланишга тўла асос бор. Бу асос, ишончимиз комилки, келгусида ҳам мамлакатимиз иқтисодиётига мустаҳкам пойдевор бўлиб, хусусан, 2012 йилда мустақиллик, тинчлик деган олий неъматлар оғушида кундан кун юксалаётган Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга кўтаради.

Зиёвиддин МАНСУРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

ҚАШҚАДАРЁ: КАМАРБАСТАЛИК

"Кейинги йилларда жаҳондаги аксарият давлатларда молиявий ва иқтисодий ўсишнинг кескин пасайиши кузатилаётган бир пайтда Ўзбекистонда юқори суръатдаги юксалиш ва макроиқтисодий барқарорлик таъминланмоқда". Бу — хорижий экспертларнинг эътирофи. Бинобарин, ўтган йили юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,3 фоизни ташкил этди. 2000-2011 йиллар мобайнида эса ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробарга ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлар қаторидан жой олди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида Юртбошимиз томонидан "...халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига эришилган 2011 йилнинг якунлари билан ҳақли равишда фахрланишимиз учун бугун барча асосларимиз бор", дея фикр билдирилиб, ўтган йил юртимизнинг 20 йиллик мустақил тараққиёти тарихида жамиятни изчил демократик янгилаш ва либераллаштириш жараёнида алоҳида ўрин эгаллаган йил бўлгани таъкидланди. Шунингдек, маърузада жаҳон иқтисодиётида вужудга келаётган тенденциялардан, келажакда мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда нафақат 2012 йилда, балки ундан кейинги йилларда ҳам амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор устувор вазифалар аниқ белгилаб берилди.

Шу кунларда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидаги маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинларида, таълим муассасаларида ўтказилаётган тадбирларда Вазирлар Маҳкамаси мажлиси ҳақидаги маҳсус кўрсатув намойиш этилиб, иштирокчилар Юртбошимизнинг маърузасини яна бир бор тинглашмоқда. Бу йилги режалар, уларни рўёбга чиқаришда ўзларининг қай тариқа ҳисса қўшишларини, таклиф-мулоҳазаларини баён этишмоқда.

Нишон туманидаги транспорт-сервис касб-ҳунар коллежида ўтказилган йиғилишда "Байналмилал", "Навбаҳор", "Наврўз" маҳаллалари фаоллари, ўқитувчилар, корхона ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

— Юртбошимизнинг Таллимаржон иссиқлик электр станцияси хусусида билдирган фикрларидан тўлқинланиб кетдим, — деди "Навбаҳор" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулзор Аблялимова. — Корхонада иккита буғ-газ қурилмасини қуриш бўйича лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилаяпти. Бугун миқёси жиҳатидан бундай улкан ишларга гувоҳ бўлиш юртимизда оддий ҳолга айланиб бормоқда.

Деҳқонобод туманидаги 5-мактабда бўлиб ўтган йиғилишда эса Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи муҳандис-технологи Мансур Аралов ўз фикрларини шундай изоҳлади:

— Юртимиз иқтисодий салоҳиятининг янада ошишида саноат корхоналарининг заводлар ҳиссаси катта. Ана шундай объектлардан бири бизнинг калийли ўғитлар — заводимиздир. Ҳозирги пайтда минглаб одамларни доимий иш билан банд этган заводнинг биринчи навбати қурилишига 275 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди ва заводимиз йилига 200 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Унинг иккинчи навбати қурилиши эса яна кўплаб деҳқонободликларнинг иш билан бандлигини таъминлайди, қишлоқ хўжалиги янада ривожланади, маҳсулот кўлами эса уч баробарга ортиши кутилаяпти.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ўтган йили юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада 2011 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан қиймати 10 миллиард 800 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган ва 2010 йилга нисбатан 11,2 фоиз кўп капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 23,9 фоизни ташкил этди. Бу саъй-ҳаракатлар самарасини биргина ўтган йилнинг ўзида саноат ишлаб чиқариши 6,3 фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсганида, 2011 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши 2000 йилдагига нисбатан 14,2 фоиздан 24,1 фоизга етганида кўриш мумкин.

Яккабоғдаги агросаноат касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган йиғилишда "Эсат", "Тўқбой", "Пахтакор", "Қозоқ" қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда шу ҳудудлардаги фермерлар қатнашди.

— Ўтган йили туманда 5790 та янги иш ўрни яратилди, — деди фермер Маҳмаражаб Эшқобилов. — Бундай хайрли ишларни жорий йилда изчил давом эттириш эвазига яна 5801 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Жумладан, фермер хўжаликларини ривожлантириш орқали 825 та, якка тартибдаги тадбиркорлик тизимида 345 та, оилавий бизнесни ривожлантириш ҳисобига эса 482 та янги иш ўрни барпо этилиши кўзда тутилган.

2011 йилда Чироқчида 8989 та янги иш ўринлари яратилди. Иш жойларининг салмоқли қисми хизмат кўрсатиш ва сервис, саноат, қурилиш соҳалари ҳиссасига тўғри келади. Аҳоли бандлигини таъминлашда уйда ўтирган аёллар, ногиронлар ҳамда бошқа тоифадаги фуқаролар учун тўрт юзга яқин саноат ва бошқа тармоқ корхоналари билан кооперация асосида касаначилик йўлга қўйилди.

Тумандаги спорт-педагогика коллежида "Навоий", "Чироқчи", "Янгиобод", "Кишмишитепа" маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси ҳамда коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокида ўтган йиғилишда ана шулар тилга олинди.

Йиғилишда Президентимизнинг "Юртимиз таълим ва тиббиёт муассасаларини замонавий талаблар ва халқаро андозалар асосида ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни тизимли амалга ошириш мақсадида 2011 йил бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ташкил этилди ва у 2012 йилнинг биринчи кунларидан иш бошлади", деган сўзлари алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Шаҳрисабз тиббиёт коллежида ўтказилган тадбирда жорий йилда туманнинг қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервисни жадал ривожлантириш мақсадида 285 та шохобча ташкил этилиши, шу асосда яна 830 та янги иш ўринларини яратиш мақсад қилингани таъкидланди.

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказилаётган бу каби учрашувларда Юртбошимизнинг "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" номли маърузасининг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш билан бир қаторда қишлоқларнинг ижтимоий ҳаётига тааллуқли таклифлар билдирилмоқда, муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида батафсил маълумотлар тўпланмоқда.

Б.ТЕМИРОВ,
А.МУРОДОВ,
Б.ҲАЛИМОВ,
«Qashqadaryo» газетаси мухбирлари

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Самарқандда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан меҳнат муҳофазаси масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, ишчи-хизматчилар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Мустақиллик йилларида соҳага оид қонунчилик тизими такомиллашиб, бир қатор янги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Қабул қилинаётган давлат дастурларида ҳам ушбу йўналишда муҳим чора-тадбирлар белгиланиб, изчил амалга оширилмоқда. Бу вазифалар ижросини таъминлаш, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

— Ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида вилоят ҳокимлиги ҳамда бир қатор бошқарма ва идоралар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда, — дейди Самарқанд вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Ойсулув Нафасова. — Ушбу йўналишда 2011-2013 йилларга мўлжаллаб тузилган уч томонлама битим ҳамда тегишли идоралар билан тармоқ келишувлари, жамоа шартномалари асосида 491 минг нафардан ортиқ фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланмоқда. Жумладан, ўтган йили вилоят бўйича 3600 дан ортиқ кам таъминланган оилаларга касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 68,4 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. Янги оила қурган 23 нафар ходимга 34,2 миллион сўмлик фоизсиз кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, ишчи хизматчилар ва уларнинг фарзандлари саломатлигини тиклаш, зарур тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳам касаба уюшмаларининг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда.

Давра суҳбатида аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш, бу борада банк муассасалари олдида турган вазифалар, бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотларда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижросини таъминлаш масалалари юзасидан мутасадди идоралар вакилларининг ахборотлари тингланди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

Фикр

БОБОМНИНГ АНДИШАСИ

ёки жамоатчилик назорати ҳақида

Уста Тош бобом кўчамиздаги пулдор, лекин қурумсоқ (буни мен кейинчалик англаганман) кишиникида дурадгорлик ишларини бажарганди. Иш якунлангач, буюртмачи хизмат ҳақини келишилганидан кам берди. Бобом уйга қайтаётиб, норозилигини паст овозда билдириб қўйди.

— Нега ҳаққингизни талаб қилмадингиз? Сиздан ёш-ку, қаттиқроқ гапирсангиз бўлмасмиди, бобо? — болаларча савол бердим.

— Эҳ, бўтам, талаб қилиш осон. Битта заҳарханда пичингга ҳам берарди ҳаққимни. Аммо одамлар «Уста Тош пул учун тортишибди» дейишларидан уяламан...

Ҳа, миллатимизнинг мафкураси шундай бўлган. Бинобарин, бу ҳақда тарихий ва бадиий асарларда кўплаб лавҳаларга дуч келамиз. Хусусан, "Ўткан кунлар"-даги "Бу хонадондан ҳеч ким норизо бўлиб кетмаслиги керак" деган иборани келтириш мумкин. "Авесто", "Қутадғу билиг", "Қобуснома"-да эса ўша давр ахлоқ меъёрлари ифода этилганини яхши биламиз. Ҳатто яқин кунларгача номаъқул ишга қўл урган одамлар қўниқўшнига кўринишдан уялган. Чунки орияти йўл қўймаган. Фарзанди ношуд чиққанлар ёки ўзлари жиноятга қўл урганлар эса одамлар кўзидан йирокда бўлиш учун бошқа манзилларга кўчиб кетган.

Таъкидлаш ўринлики, жамоатчилик фикри ҳар қандай даврда ҳам халқимиз мафкурасининг ажралмас қисми ҳисобланган. Шу сабабли Юртбошимиз янги сиёсатда, янги тизимда унинг қудратли кучидан оқилона фойдаланиш ғоясини илгари сурмоқда. Фуқаролик жамиятининг асл моҳияти эса ҳар бир шахснинг жамиятдаги қонун ва меъёрларга ҳурматини таъминлашдан иборат.

Одамлар ўрта бўғин раҳбарлари ҳаракати ва муносабати хусусида тезда хулоса чиқарадилар. Истаймизми-йўқми, уч-тўрт киши тўпланган жойда, албатта раҳбар фаолияти тўғрисида гап бўлади. Минг афсуски, ҳамма раҳбар ҳам буни тушунишни истамайди. "Ҳеч ким кўрмаяпти-ку... Биров кўриб ўтирибдими" деган хаёлда юради. Лекин одамлар ўзларини тингламаган раҳбарларга унинг ўзи каби муносабатда бўладилар, ўз хулосаларини бир-бирларига айтиб қўядилар, холос.

Жамоатчилик назорати лоқайдлик, бефарқликни ёқтирмайди. "Сен менга тегма, мен сенга тегмайман", "Менга нима, сенга нима" қабилидаги кайфиятлар билан келиша олмайди. Бошқача айтганда, жамоатчилик назорати жамиятда белгиланган ахлоқ ва меъёрларга риоя этилишини назорат қилади. Мисол учун, фарзанди ноқобил оилага, чиқиндини кўча юзига ташлайдиган хонадонга, табиий газ ёки электр энергиясидан ўғринча фойдаланган шахсга маҳалла фаоллари ётиғи билан танбеҳ беради. Токи раҳбар ҳам, оддий фуқаро ҳам ўз хатти-ҳаракати доимо назоратда эканини сезиб яшасин.

Жамоатчилик назоратини таъминлашда иккита муҳим омилни таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Биринчиси — қонун устуворлигини таъминлаш. Эътибор қилганмисиз, бизда нега машина ўғрилари йўқ? Чунки Жиноят процессуал кодексида бундай ҳаракатга жиддий чоралар белгиланган. Фақат ўғрилардагина эмас, машинасини йўл четига қўйиб, кун бўйи иши билан машғул кишиларда ҳам бировнинг автомобилига кўз олайтириш мумкин эмас, деган кайфият шаклланди. Ёки яқиндагина ишга туширилган фоторадар масаласини олинг. Ўзидан кетган бойваччалар ҳам ҳозир йўл ҳаракати белгиларига риоя этадиган бўлишди. Чунки ким бўлишидан қатъи назар, йўл қоидасини бузган ҳайдовчи кечирилмайди. Ёки аксинча, назорат, жазолаш тизими яхши ишламагани учун табиий газ ва электр энергиясини ўғринча ишлатувчиларни тартибга олишнинг иложи топилмаяпти. Аҳоли кўз ўнгида содир этилаётган қинғир ишларга нисбатан қонуний чора қўлланилмагач, кўпчиликда "шундай иш қилиш мумкин экан-да" деган фикр пайдо бўлади.

Иккинчиси — жамоатчилик хулосаси, шунингдек, таклифи билан ҳисоблашиш. Бунинг маъноси шундаки, жамоат ташкилотлари, маҳалла томонидан қилинаётган мурожаатлар, албатта ҳисобга олиниши зарур.

Жамоатчилик назоратини шакллантириш мураккаб жараён. Унинг ҳамма бўғинлари бир маромда, тизимли ишламоғи зарур. Бунга эришиш учун, аввалambor, ҳар бир маҳаллада ҳуқуқий маслаҳатхона очиш пайти келганга ўхшайди. Эҳтимол, бу вазифани ҳозирча ҳуқуқий маслаҳатхоналар шартнома асосида амалга оширишар. Яқинда "Мустақил адвокатура" адвокатлик фирмаси Самарқанд шаҳридаги айрим маҳаллаларга ҳомийлик шартномаси асосида ҳуқуқий хизмат кўрсатишни бошлади. Бу ишни ташкилий равишда йўлга қўйиш ижтимоий шерикликни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Назаримда, педагоглар, олимлар жамоатчилик назорати тўғрисида оммабоп рисола ёки қўлланмалар яратсалар, керак бўлса плакатлар кўринишида тарғибот ишлари йўлга қўйилса фойдадан ҳоли бўлмасди. Бу ишга олий таълим муассасаларининг юқори курс талабалари, айниқса, бўлғуси ҳуқуқшуносларни магистрант ва аспирантларни, сиёсатчи олимларни жалб этиш, олий ўқув юртларида "Жамоатчилик назорати" қисқа курсларини очиш заруратга айланмоқда.

Жамоатчилик назорати ўзининг ошкоралиги билан кучли, жамиятда фуқаролар фаоллигининг ҳам бир кўринишидир. Яъни, "Бетга айтганнинг заҳри йўқ". Оилада шаклланган қадрият ва анъаналарни, меъёрларни бузишдан сақланган киши жамиятдаги тартиб-қоидаларни ҳам ҳурмат қилади. Бу борада маҳалла тадбирларида ибратли оилалар тажрибаси мисол тариқасида кўрсатилса, айни пайтда, ноқобил фарзандлар, масъулиятсиз ота-оналарга қўшнилар иштирокида дашном бериб борилса, ўша жойда соғлом ижтимоий муҳит шаклланади. Бундан ташқари, раҳбарнинг матбуот ва телевидение ёки радио орқали ҳисобот-чиқишларигина эмас, балки ана шу ҳисоботларга муносабатлар ҳам чоп этилса, яхши самара беради. Қинғир ишларнинг оқибати матбуотда қанча кенгроқ ёритилса, одамларда бундай ҳаракатлардан қочиш фикри шунча кўп шаклланади.

Муҳтарам Юртбошимиз Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисда ўртага ташлаган Концепциясида "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида алоҳида тўхталиб, "Жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарур", деб таъкидлади. Албатта, бу қонун лойиҳаси тегишли босқичлардан ўтгач, қабул қилинади. Лекин тажриба шуни кўрсатаяптики, бу каби қонунлар ижроси аҳолининг ижтимоий фаоллиги билан боғлиқ. Шу сабабли ҳам фуқаролар ўртасида "жамоатчилик назорати" тушунчасини кенг тарғиб этиш, фуқаролик институти идораларини кенг кўламли бу ҳаракатга тайёрлаб бориш зарур. Токи ҳар бир фуқарода жамиятдаги иллатларга қарши онгли равишда курашишга интилиш ҳисси шакллансин.

Фармон ТОШЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

«Олтин қалам» танловига

БЕБАҲО ЙЎЛИК

Бу йил қиш совуқ келди. Иссиқроқ бош кийим олиш мақсадида бозорга тушдим. Бозорларимизни кўриб кўз қувнайди. Истаган нарсангизни топишингиз мумкин. Фақат пул бўлса бас. Расталар оралаб ҳар хил шапка, кепка, телпакларни назардан ўтказдим. Бир сотувчи қоракўл терисидан тикилган телпак сотаётган экан. Эътиборимни тортди. Ўзимизники-да, қўлга олиб жилосига шайдо бўлиб қолдим. Табиатнинг асл мўъжизаси! Биттасини кийиб: «Менга маъқул тушди, нархи қанча ака?», — деб сўрадим. Сотувчи эса: «Икки юз минг. Келиштириб берамиз», — дея жавоб қайтарди. Ҳақиқатан ҳам пулига арзийдиган маҳсулот. Ўзимизда етиштирилиб, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган қоракўл терили телпакка бўлган қизиқиш устун келиб, қоракўлчилик ҳақида мақола ёзмоқчи бўлдим...

Қариндошимиз қоракўлчилик билан шуғулланарди. Бориб мақсадимни айтгандим: "Яхшиям, телпакка ишқингиз тушибди, бўлмаса биз чўпонларни қачон йўқлардингиз", — дея ҳазиллашган бўлди. Сўнг сўзида давом этди:

— Чўпонлик осон иш эмас. Унинг заҳмати кўп: туну кун сурувнинг ортидан юриш, қишнинг изғирини, ёзнинг жазирамаси... Бундай оғир меҳнатга сабр-бардоши қўйнинг туёғидан қаттиқ бўлган инсонгина чидай олади. Машаққати кўп, лекин нони ширин. Бу менга ота касб. Чўпон таёғини отамдан олиб, яйлов кезганимга ҳам йигирма йилдан ошди. Шукурки, кам бўлмадим. Эл назарига тушдим. Ўғил-қизларни уйли-жойли қилдим, ўқитдим. Қўрамиз тўла мол-ҳол. Аммо чорвачиликнинг ҳам ўз қонун-қоидалари бор. Айниқса, чўпон иш вақтининг чегараси йўқ. Ҳозир айни қиш. 410 бош совлиқни қишдан беталафот олиб чиқишнинг ўзи бўлмайди. Уларга ем-хашак майдалаш, жойини қуруқлаш каби ишлар билан овора бўлиб кунимиз ўтганини билмай қоламиз. Қишлов 4-5 ой давом этиб, отарни сервитамин озуқалар ва хашак билан боқиш талаб этилади. Бунинг учун ҳар доим захирада табиий озуқа бўлиши шарт. Об-ҳаво яхши келган йиллари ўт-ўланни мўл қилиб, ем захирамизни ғамлаб оламиз. Чунки баҳор эрта келган йиллари совлиқлар кўк ўт еб қўйса, терисининг сифати бузилади. Бунинг олдини олиш учун совлиқларга туққунига қадар қуруқ ем-хашак бериб борилади.

Эрта баҳорда иш янада қизийди. Март ойининг биринчи ўн кунлигида қўзилатиш жараёни бошланиб, якунига етади. Кечаси ҳам тиним йўқ. Чунки, биринчи марта туғаётган совлиқларда оналик ҳисси бўлмайди. Боласига зарар етказиб қўйиши мумкин. Бундай пайтларда доим ҳушёр бўламиз. Қўзичоқлар туғилгандан сўнг улар жинсига қараб ажратиб олинади. Эркак қўзилар 3 кунлигида танланади. Териси яхшилари сараланиб, тери учун топширилади, қолганлари подага қўшиб юборилади. Шу тариқа суҳбатдошим билан соҳанинг пасту баланди ҳақида узоқ гурунглашдик.

Мутахассисларнинг қайд этишларича, қоракўл терияларининг қоракўл, қоракўлча, тақир деб номланадиган хиллари мавжуд экан.

— Кейинги йилларда халқаро бозорда тери маҳсулотларига талабнинг ошаётгани кузатилмоқда, — дейди "Ўзбек қоракўли" компаниясининг ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш ва наслчилик ишлари бўлим бошлиғи Ҳамза Муртозоев. — Табийки, бунда ўзбек қоракўли ва ундан тайёрланган маҳсулотларга ҳам ўз-ўзидан талаб ортади. Хусусан, шу пайтгача асосан Россия, Белорусь, Азербайжан Республикаси ва Туркияга бизда ишланган қоракўл тери ва ювилган жун экспорт қилинган бўлса, сўнгги йилларда улар сафига Қозоғистон, Украина, Германия, Хитой каби давлатлардан ҳам харидорлар чиқмоқда. 2011 йил якунига кўра экспорт ҳажмининг 50 фоизини ювилган жун, 44 фоизини қайта ишланган қоракўл тери, 6 фоизини бошқа қоракўл маҳсулотлари ташкил этмоқда.

Мамлакатимизда етиштириладиган қоракўл тери сифатининг юқорилиги, рангининг жилодорлиги билан алоҳида қимматга эга. Шу боис, кейинги йилларда қоракўл қўйлар сонини кўпайтириш ва наслини яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Республикамизда 103 та қоракўл ширкат хўжалиги бўлиб, уларда 1 миллион 900 мингга яқин зотли қўй ва эчкилар боқиляпти. Чорва қишловини кўнгилдагидай ўтказиш учун 7097 тонна кунжара, 8471 тонна шелуха, 5809 тонна омухта ем, 345 минг тонна дағал озуқа қишлов жойларига ташиб етказилди. 167 та махсус техника воситаси орқали дағал озуқалар пешма-пеш майдаланиб, чорва моллари қўшимча озиқлантирилмоқда.

Шунингдек, қишнинг қировли кунида қулай шароит яратиш мақсадида чорвадорларга, узоқ яйловларда жойлашган чўпон-чўлиқларга ун, ўсимлик ёғи, шакар, гуруч каби озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда иссиқ кийим-кечаклар пешма-пеш етказиб берилмоқда.

Қоракўл қўйларнинг элита генофондини сақлаш ва кўпайтириш мақсадида 2007-2011 йиллар учун қоракўлчиликни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган. Айни вақтда Ушбу дастурга мувофиқ "Ўзбек қоракўли" компанияси тизимидаги корхоналарда маҳсулдорликни янада ошириш чоралари кўрилди.

Нурота наслчилик заводида яратилган "Зармалла", "Қизилқум" ҳамда Абай номидаги наслчилик хўжаликларида яратилган "Ўзбекистон кумуш сури" каби қимматбаҳо тери маҳсулотлари ўзининг юқори сифати, табиий рангбаранглиги билан хорижликлар эътиборини тортмоқда. "Бухорои шариф" наслчилик хўжалигида яратилган сур рангли, ясси гулли қоракўл қўйлари дунёда ягона ҳисобланади. Бундай қўйлар ўз хусусиятларини авлодларига тўлиқ ўтказади ва қўзиларининг терисидаги ясси, узун қалам ва ёлгулларнинг кумушсимон ранги ноёб кўринишга эга.

Миришкор туманидаги Ғафур Ғулом номли наслчилик хўжалигида ҳам қора рангли қоракўл қўйларнинг қовурғасимон гулли "Аваз чўл" завод типи, Конимех тумани "Конимех" наслчилик хўжалигида худди шундай қоракўл қўйларнинг гулли "Саржал" завод типлари жуда харидоргир.

Компания тизимидаги қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш соҳасини модернизациялаш, қайта жиҳозлаш ва янги технологик линиялар ўрнатиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Навоий вилоятининг Томди, Конимех ва Нурота туманларидаги қоракўлчилик ширкат хўжаликлари иштирокида 2009 йилда ташкил этилган "Qizilqum Wool Teks" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси дастлабки фаолияти даврида дағал қўй жунини белгиланган технологик жараёнлар асосида ювиш, қуритиш, тойлаш ва қадоқлаб, экспортга чиқариш билан шуғулланган эди. Ишлаб чиқаришда тайёр маҳсулотлар улушини кўпайтириш мақсадида Россиядан 2010-2011 йилларда янги технологик линия келтириб ўрнатилди. Ушбу линиялар бир сменада 2 тонна жунни бўяш, тараш ва йигириб-калавалаш қувватига эга.

Жун калавасидан тайёр маҳсулотлар тўқиш, дағал жундан техник матолар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида Бухоро вилоятидаги "Komteks-Prosh" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси негизида бир қатор амалий ишлар қилинди. Хусусан, ўтган йили Хитой Халқ Республикасидан табиий қўй жуни калавасидан нақшли одеял тўқиш, шу билан бирга, жундан техник нотўқима матолар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги технологик жиҳоз қўшма корхонанинг ўз маблағи ва кредит маблағлари ҳисобидан олиб келинди. Январь ойидан бошлаб эса хориж мутахассислари иштирокида дастгоҳларни ўрнатиш ишлари бошлаб юборилди. Ушбу "Жакард" тўқимачилик жиҳозлари тўлиқ қувват билан ишлатила бошланса, бир сменада 2000 погоно метр маҳсулот тайёрлаш имконияти яратилади. Ўз навбатида, 1000 донагача одеяллар ишлаб чиқарилади.

Маълумотларга кўра, 2011 йил якуни билан компания таркибидаги "Qizilqum Wool Teks" қўшма корхонаси томонидан 316,6 минг, "Keles-Jun" масъулияти чекланган жамияти томонидан 406,3 минг, "Oltin Jun" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси томонидан 604,8 минг АҚШ доллари миқдорида ювилган дағал қўй жуни экспортга чиқарилди.

Яқинда Хитойдан 1000 та янги, замонавий ЗИД агрегати олиб келинди ҳамда айрим шароити оғир қоракўлчилик хўжаликларининг шахтали қудуқларига ўрнатилди. Жумладан, Навоий вилоятидаги "Конимех" ва Бухоро вилоятининг Амир Темур номидаги қоракўлчилик хўжаликлари яйловларида жойлашган шахтали қудуқлардан ушбу агрегат орқали сув чиқариш жараёнлари тўлиқ синовдан ўтказилди. Мутахассисларга агрегатнинг бир соат давомида 350 грамм ёқилғи сарфлаб, 2,5 тоннагача сувни чиқариш имконияти борлиги қўл келмоқда.

Ўтган икки йил давомида ЗИД агрегатига қайта ўзгартиришлар киритилиб, "UzKJ-13M" билан патентланди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг қоракўлчилик хўжаликларидаги яйлов қудуқлари учун зарур бўлган 1000 та "UzKJ-13M" ускуналари тайёрланиб, 200 таси Бухоро вилоятидаги қоракўлчилик ширкат хўжаликларига етказилди. Бу, ўз навбатида, қоракўлчилик ҳудудларида яшовчи аҳоли турмуш шароитларининг яхшиланиши, хўжаликлардаги мавжуд чорва молларини узлуксиз сув билан таъминлаш, яйловлардан унумли фойдаланиш ҳамда қоракўл маҳсулотларини ишлаб чиқариш таннархининг арзонлашувига имкон беради. Ана шунда бозорларимизда қоракўл терили маҳсулотлар янада харидоргир бўлади.

Соҳа мутахассисларининг шу кунларда амалга ошираётган ишлар кўлами мамлакатимиздаги бу ноёб маҳсулотнинг харидорлари тобора кўпайишига ишонасан киши. Меҳнатдан келса бойлик, турмуш булар чиройли деганлари шу бўлса керак.

Бобур МУҲАММАДИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

Ислоҳот

Давр кўзгуси

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, давлатимиз раҳбарининг амалий ёрдами ва бевосита ташаббуси билан ўзбек миллий матбуоти том маънода ўзининг шаклланиш, ривожланиш босқичига қадам қўйди. Чунки матбуот жамиятни бошқариш ва шакллантиришда муҳим аҳамият касб этадиган соҳалардан биридир.

Ўтган йилларда оммавий ахборот воситаларининг янги давр ва жамиятга мос ҳуқуқий заминига асос солинди. "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги, "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонунлар қабул қилиниб, ОАВни демократлаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Шуни фахр билан таъкидлаш мумкинки, республикамизда фаолият кўрсатаётган "тўртинчи ҳокимият" вакиллари Ўзбекистонда кечаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг ривож топаётгани, бажарилаётган, бажарилиши лозим бўлган ишлар, ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирларнинг ижроси хусусида очиқ-ойдин, холисона ва тезкорлик билан ахборот тарқатаётгани қувонарли ҳол, албатта.

Бугун дунёни иқтисодий инқироз таҳликага солиб турган бир пайтда Юртбошимизнинг зукколик билан олиб бораётган сиёсати туфайли барча соҳаларни иқтисодий қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар ишлаб чиқилаётгани юртдошларимизни руҳлантирмоқда. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида таъкидлаганидек, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр-муносабатларини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмай туриб, буюк мақсадларга эришиш мушкул.

Дарҳақиқат, XXI аср тезкорлик ва мослашувчанликни талаб қиладиган давр. Бу давр ҳар бир соҳа олдига қийин вазифалар, иқтисодий-ижтимоий муаммоларни кўндаланг қўйиши, шубҳасиз. Президентимизнинг ўтган йилнинг 30 декабридаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ солиқ ставкаларининг пасайтирилгани, ўйлайманки, ОАВ фаолияти самарадорлигига замин яратади. Эндиликда таҳририят тежаб қолинган маблағлар эвазига ўз ходимларини ҳар томонлама иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш, малакасини ошириш, ишлаш шароитларини яхшилаш, уларни техник ҳамда транспорт воситалари билан таъминлаш каби имкониятларга эга бўлади.

Журналистлар эл орасидаги фаол шахслар. Улар доимо мамлакатимизда юз бераётган жараёнларга бефарқ эмасликлари, воқеликка холис ёндашувлари билан бошқа касб эгаларидан фарқ қиладилар. Таъриф жоиз бўлса, улар инсон ва жамият манфаатларини ҳимоялашга қодир кишилардир. Мамлакатимизда соҳани ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар оммавий ахборот воситалари ходимларини профессионаллигини оширишга, ижодий баркамолликка эришишларига хизмат қилса, ажабмас.

Карим РАҲИМОВ,
Жондор тумани ҳокими,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Пойтахтимиздаги муҳташам "Маърифат маркази"нинг мажлислар залида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари Қўмитаси томонидан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда "Ахборот глобаллашуви ва ёшлар маънавияти" мавзуида конференция ўтказилди. Анжуманда видеоконференция тизими орқали Фарғона, Самарқанд ва Нукус шаҳарларида ташкил этилган студиялар билан ҳам "он-лайн" тизими орқали боғланилди.

Видеоконференцияда Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик, идоралар вакиллари, маънавият, таълим, ахборот соҳасининг мутахассис ва экспертлари, олимлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Муҳтарам Юртбошимиз И.Каримов ўтган йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида: "Бугун ён-атрофимизда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеаларни инобатга оладиган бўлсак, ҳали онги, ҳаётий қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни чалғитишга қаратилган ғаразли кучлар интернет имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётгани ва бундай интилишларнинг қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Жамиятда тинчлик ва барқарорликни издан чиқаришга, ўзаро адоват ва тўқнашувларга сабаб бўладиган бундай хатарларнинг олдини олишнинг битта йўли бор: ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан, дўстни душмандан ажратишга қодир бўлган, бизнинг қандай бой тарих ва меросга эга эканимизни англаб яшайдиган, имон-эътиқодли, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган инсонлар этиб вояга етказишимиз, бу масалани ҳеч қачон иккинчи даражали вазифа деб билмаслигимиз керак»лигини алоҳида таъкидлаган эди.

— Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир шахс ахборот таъсирига учрайди, — деди қўмита раиси А.Жўрабоев мазкур йиғилишда. — Замонавий инсон бўлиш ҳаётдаги шиддат билан кўпайиб бораётган ахборот оқимини тўғри ўзлаштира билишдир. Чунки бундай ахборотларнинг аксарият қисми ноқонуний ва ижтимоий жиҳатдан салбий мазмунга эга ахборотлардир. Бутунжаҳон интернет ахборот тармоғи, мобиль алоқа тизими, компьютер ўйинлари, видео ва кино маҳсулотлари орқали "оммавий маданият" ниқоби остида миллий манфаатларимиз, мафкурамиз, маънавий-ахлоқий қарашларимизга ёт ғояларни ёшлар онгига сингдиришга уринишлар ҳам кузатилмоқда.

Бу борадаги ишларнинг самарадорлигини оширишда оммавий ахборот воситаларининг масъулиятини кучайтириш лозим. Матбуот саҳифаларида эришилган ютуқлар, халқимиз ҳаётида содир бўлаётган ижобий ўзгаришларни қамраб олган таҳлилий материалларни ёритиб бориш зарур.

Анжуманда сўзга чиққан қўмита аъзолари Ш.Деҳқонов, Ф.Солиев, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг ўринбосари Ш.Атамуҳаммедов, республика маънавият тарғибот маркази раҳбари Ғ.Мирзаев, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази директорининг ўринбосари Ў.Қаюмов ва бошқалар муҳокама қилинаётган мавзунинг аҳамияти ҳамда халқаро амалиётда ахборот соҳасини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни чуқур таҳлил этиш асносида "Вояга етмаганларнинг соғлиғи ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зиён етказувчи ахборотлардан ҳимоялаш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурияти хусусида сўзладилар.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши ахборот оламидаги глобаллашув жараёнида ёшлар маънавиятига қарши йўналтирилган зарарли ахборот оқимидан уларни ҳимоялаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбиясига оид тизимли ишларнинг ҳуқуқий асоси бўлиши таъкидланди. Шунингдек, анжуманда ривожланган давлатлар тажрибаларидан мисоллар келтирилиб, глобаллашув ва кучли рақобат шароитида мафкуравий иммунитетни шакллантириш юзасидан аниқ таклифлар билдирилди.

Видеоконференцияда ахборот бундай мураккаб жараёнда ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини янада такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, уни ҳаётга татбиқ этишга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини, ота-оналар ва педагогларни кенг жалб қилиш мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

Юқорида кўтарилган мавзулар бўйича Самарқанд, Фарғона вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасидаги мутасадди ташкилотлар вакиллари, талаба-ёшлар ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

И.АБДИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

Тадбир

Глобаллашув ва ёшлар маънавияти

Сиёсий ўқиш

Партия матбуот хизматига бағишланди

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари матбуот котиблари учун сиёсий ўқиш ташкил этилди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган партия Сиёсий Кенгаши раиси И.Саифназаров оммавий ахборот воситалари, хусусан, тегишли нашрлар ва матбуот хизматларининг партия ҳаётидаги ўрни беқиёс эканини таъкидлади. Сўнгги пайтларда партия газеталари сиёсий баҳс-мунозаралар ва ғоявий қарама-қаршиликлар минбарига айланаётганидан мисоллар келтирди. 2011 йил бошидан фаолият бошлаган партиянинг қуйи тузилмаларидаги матбуот хизмати ҳам партия дастурий ғояларини тарғиб этиш, ҳудудий Кенгашлар ва депутатлар фаолиятини батафсил ёритиш мақсадида кенг жамоатчиликни ахборот билан фаол таъминлашга замин яратаётганини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда "Фуқаролик жамияти қуриш ислоҳотларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиш масалалари" мавзуидаги маърузаси билан иштирок этган Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессори М.Қирғизбоев бугунги кунда журналистлар олдига қўйилаётган талаблар, хорижий давлатлар сайловолди кампанияларида ОАВнинг иштироки, пиармен ва матбуот котибларининг номзод имижини шакллантиришдаги фаолияти ҳамда соҳада учраётган муаммолар хусусида атрофлича сўз юритди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти етакчи мутахассиси Д.Қаюмова сиёсий партияларнинг PR кампаниялар ўтказиш усуллари, тарғибот-ташвиқот жараёнлари, сиёсий партиялар ахборот ресурслари ҳақида маъруза қилди.

Шунингдек, тадбирда ахборот ва сўз эркинлигининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида акс этиши, журналистикага оид қонунлар, қонуности ҳужжатларининг мазмун-моҳияти, сиёсий шарҳловчиларнинг интеллектуал-психологик ва профессионал қобилиятларини ривожлантириш, "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетасида таҳлилий-танқидий мақолалар тайёрлаш тажрибаси, партия Кенгашлари матбуот хизматининг кундалик функциялари хусусида фикр юритилди.

Р.НАЗАРМАТОВ олган суратлар

Сиёсий ўқишнинг иккинчи куни амалий машғулотларга бағишланди. Унда матбуот котиблари оммавий ахборот воситалари учун материаллар тайёрлаш, журналистлар билан ишлаш, матбуот котибининг кундалик вазифаларига оид янги маълумотлар билан танишдилар.

Тадбирда "Энг яхши матбуот котиби — 2012" анъанавий танлови шартлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, партия сайтида матбуот котибларининг иштироки таҳлил этилиб, веб тармоқда жорий этиладиган янги лойиҳалар оид вазифалар топширилди.

Тадбир дастурига мувофиқ Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг "Партия мавзусига ихтисослашган шарҳловчилар малакасини ошириш услубларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш" гранти доирасида бошқа сиёсий партиялар вакиллари иштирокида мунозара олиб борилди. Унда "Жамият" ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири Сирожиддин Раупов сиёсий шарҳловчи, партиявий сайтда ижод қилувчи журналист масъулияти, партия электорати манфаатларини оммавий ахборот воситалари орқали ҳимоя қилиш масалалари юзасидан маъруза қилди. "Жамият" газетасидаги "Сиёсий партиялар" саҳифасидаги материалларга қўйилаётган талаблар ҳақида сўз юритиб, танқидий мулоҳазаларини билдирди, тавсиялари билан ўртоқлашди.

Тадбир сўнггида партия Кенгашлари матбуот котибларининг бугунги кундаги фаолиятида учраётган камчиликлар танқид остига олинди ва тегишли таклиф, тавсиялар билдирилди. Сиёсий ўқиш якуни бўйича махсус услубий қўлланма чоп этиш белгилаб олинди.

Абдуғани МАМАСОДИҚОВ

Куюнчак газетхон ёзади

Мен нега газета ўқиёлмаяпман?



Яқинда телевидение орқали танқидга олинган айрим вақтли матбуот, нашриёт ва бошқа матбаачиларнинг ғайриқонуний фаолиятлари ҳақидаги лавҳалар қўлимга қалам олишга сабаб бўлди. 40 йиллик иш фаолиятим давомида тонгги газеталарни варақламай нонуштага ўтирмас эдим. Соат 7 бўлмасидан газета дўконлари олдида одамлар навбатда туришар, 4 хил газета олсанг, дўкончи "Бугун мана бу газетада яхши мақола берилибди. Кечаги "Оқшом"даги фельетонни ўқидингизми?" деб яна 2-3 хил газетасини қўшиб сотишга эришар эди.

Таассуфки, ҳозир одамлар иш жойига бориб бўлгандан сўнг айрим газета дўконлари иш бошламоқда. Пешонасига "Матбуот" деган ёзув битилган киоскаларда энг харидоргир маҳсулотлар — атторлик моллари, сигаретлар ўрин олган.

Яқинда Чорсу бозорини оралаб юриб, қўлида газета кўтариб юрган ёшларни кўриб, матбуотни ўқийдиган одамлар ҳам бор экан-ку, деб қувондим. Лекин уларга яқинлашганимда, "Топдим, бешта ҳарфдан иборат бу сўз — "думба", деб хохолаб кулиб юборишди. Билсам, уларнинг қўлида кроссвордли газета экан.

Бозор ўртасидаги "Матбуот" дўконида бундай "топишмоқлар" газетасининг 6-7 хилига кўзим тушди. Афсуски, ўзим севиб ўқийдиган газеталарнинг янги сонлари йўқ эди. Лекин номи хилма-хил, умримда эшитмаган тижорат газеталари кўзимни чарчатди. Қуруқ кетмай, эрмак бўлар деб икки-уч хил номи чиққан хусусий нашр ва кроссвордли газеталарни сотиб олдим. Уларда қайси артист турмушга чиқди, бу ҳафтада қайси бири фарзанд кўрди, ўғирланган кўшиқ, мусиқа, қайси овқатни қандай пиширса бўлади, қандай аёллар кўйлаги бугун урфда, ҳафта тақвими ва ҳоказо. Балки бу нарсалар айрим ўқувчиларни қизиқтирар, лекин мен сингари ёши 70 да бўлганлар учун бундай нашрлар тўғри келмас экан.

Кроссворд газетасида берилган саволлар ҳам эътиборимни тортди: "Алла Пугачеванинг охирги эри", "палончининг хотини..." Бу каби тутуриқсиз саволлар болаларнинг зеҳни, илми ва маънавиятини ошира олишига шубҳа қиламан. Қолган саҳифаларни варақлашга сабрим чидамади.

Хўш, элга зиё тарқатувчи маънавият манбаи бўлган газета ва журналлар нега оммалашмаяпти? Уларни ўқувчилар нима учун ўқишмаяпти? Менимча, энг асосий сабаб уларда "қайноқлик" кам. Яъни, дунёда ва теграмизда содир бўлаётган ижтимоий, сиёсий воқеалар батафсил ёритиб берилмаяпти. Сиёсий шарҳлар, фельетонлар, очерклар ниҳоятда оз. Жамиятимиз эса оммавий ахборот воситаларидан айнан шуларни кутади. Чунки фаровон турмушимизга қора чаплаётган айрим иллатлар ОАВ кўзгусида бадиий ифодалар билан кўрсатилсагина, жамоатчилик эътиборини тортиб, унинг илдизларини қирқиш бўйича самарага эришиш мумкин. Бундан ташқари, замон талаби билан ҳамнафас нашрларга нисбатан ҳурмати ошади.

Эгамберди ҲАМИДОВ

Дунё деразаларини фақат газеталар билан ёпиш мумкин.

Станислав Ежи Лец.

Дараклар

ФОШ ЭТИЛГАН СОХТАЛИКЛАР

АҚШнинг Шимолий Дакота штатидаги Дикинсон шаҳрида жойлашган давлат университети бошланғич имтиҳонларида йиқилган хорижлик талаба ёшлар ноқонуний тарзда ўқишга қабул қилингани фош этилди. Гап асосан хитойлик ва россиялик талабалар ҳақида бормоқда.

2003-2011 йилларни ўз ичига олган текширув ишлари шуни кўрсатдики, 594 талабадан фақатгина ўн нафари ҳаққоний йўл билан диплом олишган. Топшириқларни вақтида бажармаган ва инглиз тили бўйича етарли билимга эга бўлмаган талабаларнинг имтиҳон натижалари ўзгартирилган.

«Associated Press» ахборот агентлигининг таъкидлашича, университет раҳбариятининг ноқонуний иш олиб боришига сўнгги йилларда абитуриентлар сонининг камайиб кетиши ҳам сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

ҲАЛОКАТ САБАБЧИСИ КИМ?

Голландиянинг "Smit" компанияси ҳалокатга учраган "Коста Конкордиа" сайёҳлик кемасидаги ёнилғини насос ёрдамида чиқариб олишга киришди. Бу ҳақда "France Presse" ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Кема бортидаги 2400 тонна ёнилғи захирасининг тўрт ҳафта ичида чиқариб олиниши кутилмоқда.

4234 кишини "орқалаган" улкан кема 14 январь куни Жильо ороли қирғоғининг саёз қисмига келиб урилгани натижасида 17 киши ҳалок бўлган, 15 нафари эса бедарак йўқолган эди. Тергов хулосаларига кўра, айни пайтда ҳалокатда кема капитани Франческо Скеттино айбланмоқда. Унга 2697 йиллик қамоқ жазоси хавф солмоқда.

ОРТОПЕДЛАР ХАВОТИРДА



АҚШнинг Бостон штатида жойлашган Brigham and Women's шифохонаси ортопедлари мамлакатда сунъий тизза бўғинларига эга бўлган беморлар сони ортиб бораётганидан хавотирда. "FOX News" нашрининг ёзишича, бундай протезлар ёши 50 дан ошган ҳар йигирманчи кишида учрайди.

Елена Лосина раҳбарлигидаги мутахассислар гуруҳи мамлакатда 1998-2009 йиллар мобайнида сунъий тизза бўғинлари билан боғлиқ операцияларни ўрганиб чиқишди. Тадқиқот натижаларига қараганда, Америкада тиззаси протез бўлган 4,5 миллон киши бор, шундан 500 минг нафари икки мартадан жарроҳлик амалиётини бошдан кечирган. Тизза бўғинлари ўрнига протез қўйдирганларнинг асосий қисми 80 ёшдан ошган фуқаролардир. Бу ёшдаги ҳар 10 кишидан бирида протез мавжуд.

Ўз навбатида, АҚШнинг Вандербильт университети ходимларининг аниқлашича, ортопедлар бу каби жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун мижозларидан бир йил давомида 100 минг АҚШ доллари миқдорида пул ундирар экан.

ФАРРОШ МАЙМУНЛАР

"РИА Новости" агентлиги тарқатган хабарларга кўра, Удмуртия ҳайвонот боғи маймунлари фаррошлар ишини кузатиб, пол ювиш, ойна тозалаш ва чиқиндиларни йиғиштиришни ўрганишди. Ишчилар маймунларнинг бу хатти-ҳаракатларини фаррошлик анжомлари йўқолиб қолавергач, пайқаб қолишди.

"Яша" лақабли шимпанзе аввалига пол ювди, кейин эса ойна ва деворларни артди. Кўп вақт ўтмай, унга "Жессика" ҳам қўшилди. Охир-оқибат бу жуфтлик ишларни бўлишиб олишди. "Яша" ўзи жойлашган ҳудуднинг биринчи, "Жессика" иккинчи қаватини тозалашга киришди. Меҳнатсевар маймунларнинг қўшнилари — мангобей, гиббон ва бразовский маймун турлари эса иш қуролларидан фойдаланишда унчалик жонбозлик кўрсатишмади.

Ахборот хуружи оқибатлари



Кейинги пайтда оммавий ахборот воситаларида дунёнинг турли ҳудудларида кечаётган нотинч жараёнлар билан боғлиқ "ахборот хуруж"лари кўлами кенгайиб бормоқда. Бугун жаҳон жамоатчилигининг нигоҳи Яқин Шарқ ва Африканинг бир қатор мамлакатларида кечаётган ички зиддиятларга қаратилган. Бу ҳудудларда "информацион уруш"ни алангалатаётганлар қандай мақсадни кўзлаган? Унга эришиш учун қандай усуллардан фойдаланишмоқда?

Аслида "информацион уруш" тушунчаси ниҳоятда кенг қамровга эга бўлса-да, унинг мағзини америкалик тадқиқотчи Ж.Стивенс "рақиб давлатлар аҳолиси онгига таъсир ўтказиш, уларнинг фикрлаш тарзини зарур йўналишда ўзгартириш", дея қисқа ва лўнда таърифлаган эди.

Хўш, "совуқ уруш" ўтмишга айланган, сиёсатшунослар томонидан қайта-қайта таъкидланаётганидек, "ўзаро ишонч ва ҳамкорлик"ка асосланган янги дунёвий тизим шаклланаётган бир пайтда бундай хуружлар нега бу қадар зарур бўлиб қолди?

Соҳа назариётчилари уқтираётганларидек, замонавий дунёда геостратегик мақсадларга эришишда анъанавий усуллар, яъни душман ҳарбий кучларини йўқ қилишга қаратилган оммавий қирғин қуролларини кўпайтириш эмас, балки рақиб давлат аҳолисининг фикрлаш тарзига таъсир ўтказиш, жамоатчилик фикрини ўз манфаатларига мос тарзда ўзгартириш орқали уни ўз иродасига бўйсундириш анча юқори самара беради. Масалан, Тунис, Ливия, Миср, Сурия, Яман ва Бахрайн каби мамлакатларда уюштирилган талотўплар ортида ҳам йирик сиёсий марказларнинг информацион хуружлари ётганлигини кенг жамоатчилик кеч бўлса-да, англаб турибди. Қутқучи кучларнинг найранги оқибатида ярим асрдан бери тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурган, нефть захиралари бўйича дунёда саккизинчи ўринда турадиган давлати — Ливия нотинчлик ўчоғига айланди.

Миср Араб Республикаси тўғрисида ҳам шу фикрларни айтиш мумкин. Ўтган бир йилдан бери пойтахт Қохира ва бошқа йирик шаҳарлардаги норозилик намойишлари иштирокчиларининг полиция билан тўқнашуви қурбонларнинг кўпайишига олиб келди, холос. Мисрдаги давлат тўнтаришининг ҳам четдан молиялаштирилганига далиллар етарли. Ўтган йили Таҳрир майдонида араб тилида ёзилган, намойишларни қандай уюштириш, қандай шиорларни илгари суриш каби "фойдали" маслаҳатлар ўрин олган 26 саҳифали брошюралар тарқатилгани бунга яққол мисол бўла олади. Худди шундай китобчалар ўз вақтида Грузия ва Украинада ҳам тарқатилган эди. Энг ёмони, узоқ йиллардан бери осойишталик эвазига иқтисодиётини тиклаб олган, сайёҳлик орқали миллиардлаб фойда топган мамлакатнинг "қадди" букилди. Оддий фуқаро тинчлик ва барқарорлик қадрини энди тушуниб ета бошлади. Бироқ бугун барака ариган юртдан хорижлик сайёҳларнинг қадами узилди.

Хориждаги йирик оммавий ахборот воситаларига ва ахборот маконига эгалик қилиб турган кучларнинг ахборот хуружи натижасида Сурияда ҳам тартибсизлик ва қуролли тўқнашувларнинг охири кўринмаяпти. Хўш, аслида бундай хуружлар ортида қандай сабаблар ётибди? Гап шундаки, бир томондан айрим сиёсий марказлар мазкур улкан минтақада уруш оловини ёқиш, бу ердаги давлатларни, халқларни бир-бирига гиж-гижлаш орқали ўз қурол-яроғларини сотиш ва ундан катта даромад олиш, иккинчи томондан эса, минтақанинг бекиёс табиий ва энергетик захираларига эгалик қилиш мақсадларини ётганлигини кузатиш мумкин. Чунки бугун дунёда Хитой, Ҳиндистон каби иқтисоди гуркираб ривожланаётган, тобора нефть ва газга эҳтиёжи ортиб бораётган давлатлар сони кўпайиб бораяптики, уларнинг Яқин Шарққа қаратган эътиборлари рақибларни хавотирга солмай қолмайди.

Айрим тадқиқотчилар чет эллик ҳомийларнинг пули эвазига ўз юртини ичдан емириш учун ҳаракат қиладиган ички унсурларни "ДНК катакчаларига тушиб қолган вирус"га ўхшатади. Бундай тузилмалар мўлжалдаги вақт пишиб етилгунча ўз фаолиятини аста-секинлик билан давом эттираверади. Муайян мамлакатдаги давлат тузумини ўзгартириш пайти етган вақтда йиллар давомида асл башарасини яшириб келган ва юртнинг танасига сингиб кетган "вирус"ларнинг барчаси ишга солинади.

Бизнингча, бундай қарашларнинг келиб чиқиши ва шаклланишини тушуниб олиш, "информацион урушлар" маъномоҳиятини очиб беришда АҚШ Марказий разведка бошқармасининг "ота"ларидан бири А.Даллес томонидан айтилган ушбу фикр жуда асқотади: "Инсон мияси, одамларнинг онги ўзгарувчанликка мойилдир. Тартибсизлик, пала-партишлик уруғларини сочиш орқали биз уларнинг ўзига сездирмаган ҳолда асл қадриятларини унутиб, сохта қадриятларга ишонишларига эришмоғимиз лозим. Бунга қандай воситалар билан эришиш мумкин? Инсонлар онги учун уларнинг болалик, ўсмирлик чоғлариданоқ курашиш, ёшларни ўзимиз ўйлаб топган сохта қадриятлар қулига айлантириш, қолаверса, ҳар бир миллат орасида ўз маслакдошларимизни топиш ҳамда сафларини кенгайтира бориш воситасида астасекинлик билан бўйсунишни истамаган ҳар қандай мағрур халқни ҳам бош эгишга, акс ҳолда эса, мисли кўрилмаган фожиага юз тутиб, ўзини халқ сифатида англаш ҳисси сўна боришига гирифтор этамиз".

Ниҳоятда аччиқ бу гаплар "совуқ уруш" айни қизғин паллага чиққан, бир-бирини емиришга интилган иккита "супердавлат"да информацион ва психологик таъсирнинг восита ва услубларини ишлаб чиқишга катта куч ҳамда маблағ сарфланган, юзлаб махсус лабораторияларда "изланиш"лар олиб борилган даврларга хос бўлса-да, энди у замонавий усуллар орқали амалга оширилаяпти.

Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда "информацион урушлар" жараёнида қўлланилаётган услубларда энг замонавий техник имкониятлар ишга солинаётгани, ўз миқёсининг мислсиз даражада кенгаяётгани, қолаверса, унга кетаётган сарф-харажатларнинг кескин ўсиб бораётганлиги кузатилмоқда. Хусусан, маълумотларга кўра, йирик давлатларда информацион қуроллар ва таъсир воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда мукаммаллаштириш мақсадларига ажратаётган маблағлар миқдори кейинги 15-20 йил ичида, яъни "совуқ урушлар" даври ўтиб, янги дунёвий тартиб қарор топган паллада камайиш ўрнига, аксинча, тўрт баробарга ортган.

Инсон онги билан ўйин қилишга киришган "информацион уруш" бир қарашда сезилмас бўлгани билан, аслида, пухта ўйланган тактика ва стратегия асосида олиб борилаётган ҳамда жуда катта маблағ сарфлаётган "куч"ларнинг мақсадларига хизмат қилаётгани шубҳасиздир. Шу маънода Президент Ислом Каримовнинг "мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлироқ" деган фикри нечоғли ҳақиқат эканлигини бугунги халқаро воқеа-ҳодисалар яққол исботлаб турибди.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

ТОРТИНЧОҚЛИК КАСАЛЛИКМИ?

"The Daily Telegraph" нашрининг ёзишича, Америка психологлар ассоциацияси ходимлари уятчанликни оғир йўқотишлар натижасида юзага келадиган психик касаллик аломати, дейишмоқда. Буюк британиялик ва америкалик бир гуруҳ олимлар эса мазкур хулоса миллионлаб одамларни асоссиз беморга чиқариб қўйишини ҳисобга олиб, бу фикрга қарши чиқишди.

Олимлар, шунингдек, мазкур ҳолатни изоҳлай туриб, психологик дастурнинг ўзгаришидан фойдаланиб қолмоқчи бўлган фармкомпаниялар ўзига кўпроқ мижозларни жалб этиб, мўмай пул ишлаб олишни кўзлаган бўлишлари ҳақидаги тахминни ҳам илгари сурмоқдалар.

Кўзда тутилган ҳолат тадқиқот ўтказиш, ташхис қўйиш, даволаш, рўйхатга қўйиш ва суғурта қилиш ҳуқуқини берувчи Диагностика ва стратегия бошқармаси томонидан текширилиши кутилмоқда.

Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

Хориж матбуоти саҳифаларида

"The Guardian" газетаси (Буюк Британия)

МУЗЛИКЛАР, ОКЕАНЛАР ВА БИЗ

"Олимларнинг янги тадқиқотлари Ҳимолайдан то Тянь-Шангача ястаниб ётган ҳайбатли қорли чўққилар сўнгги 10 йил давомида муз қатламини йўқотмаганини кўрсатмоқда", — деб ёзади газета навбатдаги сонида.

Мақола муаллифи Дэмиан Кэррингтоннинг ёзишича, ҳар йили дунё океанларига 50 миллиард тонна атрофида муз сувлари қўшилади. Йил бўйи ёғаётган қор эса "чинни тоғлар"нинг бундай йўқотишини қоплай олмайди. Олимлар Осиё тоғларидаги музликларнинг эриши аниқ, дея эътироф этишмоқда. Лекин 2003-2010 йилларда сувга айланган муз ўрнини қоплай оладиган янги муз бўлаклари пайдо бўлган. Аммо Колорадо университети профессори Жон Вар шундай таъкидлайди: "Одамлар музликларнинг эришидан хавотирга тушишлари лозим. Чунки айнан шу жараён натижасида океанларга катта миқдорда сув қўшилади".

Олимнинг кузатишлари шуни кўрсатмоқдаки, иқлимнинг кескин исиши боис, дунё океанларининг сатҳи ҳар йили 1,5 миллиметргача кўтарилиб боради.

"The New York Times" газетаси (АҚШ)

ЧАНҒИЧИЛАР ЭЪТИРОЗИ

Газета шимолий америкалик спортчиларнинг Сочига ташрифи ҳақида ёзади. Жумладан, "Олимпиада — 2014" муз йўлларини биринчи бўлиб америкалик чанғичилар кўрди. Улар ҳаммада ҳам ижобий таассурот қолдирмади", — дейди газета мухбири.

Америкалик спортчилардан бирининг сўзига кўра, келаётган дам олиш куни тоғ чанғиси бўйича жаҳон чемпионати ўтказиладиган тоғ трассаси кимдадир яхши, айримларда эса кулгили кайфият уйғотган. Чанғичи Трэвис Генонг "Роза Хутор" курортидаги мазкур трасса ҳақида: "Мен кўрган муз йўлаклари ичида энг ажойиби. У ҳақиқатан ҳам узун, турли қизиқарли рельефларга эга, сакраш жойлари ранг-баранг байроқчалар билан безатилган", — дея эътироф этади.

Трэвиснинг жамоадоши Тед Лижети эса: "Трассанинг бошланиши ҳаддан зиёд кўп бурилишлардан иборат. Бу тезликнинг камайишига олиб келади", дея эътироз билдирган.

"The Christian Science Monitor" газетаси (АҚШ)

ЗЕБРАНИНГ "СИРИ"

"Зебра нима учун йўл-йўл? Бу савол товуқ ва тухум ҳақидаги саволдек жуда қадимийдир", — деб ёзади газета.

"Journal of Experimental Biology" журналида эълон қилинган мақола муаллифлари тадқиқотларига кўра, зебранинг ёркин оқ-қора ранги эволюция натижасида пайдо бўлган. Бу уни ҳашаротлардан ҳимоя қилади.

"Бу гипотезани текшириш учун будапештлик олимлар от фермасида тажриба ўтказдилар. Маълум бўлишича, оқ рангга қараганда қора ранг ҳашаротлар диққатини кўпроқ тортади. Оқ-қора рангнинг уйғунлашган кўриниши эса уларни чалғитиш учун энг мақбул ҳийла. Шундай экан, зебра ҳашаротлар ҳамласидан бир қадар бехавотир яшайди", — дея мақоласини тугаллайди Нора Дойл-Берр.

"Financial Times Deutschland" газетаси (Германия)

Е.КАСПЕРСКИЙ: КИБЕРПОЛИЦИЯ ЗАРУР

Газета мухбири Мюнхенда норасмий тарзда ўтган хавфсизлик конференциясида "Kaspersky Lab" дастури асосчиси Евгений Касперскийдан интервью олди.

Ихтирочи олим ўз интервьюсида шундай дейди: "Ўйламанки, саноатга оид тизимлар ҳамиша замон билан ҳамнафас ривожланиб бормоғи зарур. Компьютер технологиялари ҳам бугун тез ривожланмоқда. Улар ҳамиша интернет тармоғи орқали бошқалари билан боғланган бўлади. Шу нуқтаи назардан, бу тизим биз — дастурчилардан ҳар доим ҳушёрликни ва тўхтовсиз изланишни талаб қилади".

Касперскийнинг сўзларига кўра, объектларга ҳужум дастурлаштирилган логик бошқарувчи (PLC) орқали амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳужумларга Stuxnet вируси мисол бўла олади. Мазкур вируснинг хусусиятларидан бири шундаки, у бошқаларидан анча арзон ва уни пайқаш жуда мушкул.

"Агар биз кибержиноятчилар билан курашиш истагида бўлсак, бизга халқаро киберполиция зарур бўлади. Шунинг учун бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим", — дейди Е.Касперский.

Улуғбек АСҚОРОВ тайёрлади.

Имтиёз

Миллий экспорт салоҳияти

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилаётган экспорт амалиётининг рағбатлантирилиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳал қилувчи омилларидан биридир. Президентимизнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши бу соҳада ўзига хос бурилиш ясади.

Давлатимиз раҳбарининг фармонига мувофиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ, божхона ҳамда бошқа тўловлар бўйича қўшимча имтиёз ҳамда префенциялар бериш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятда кенг иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш, экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш жараёни ва божхона маъмуриятчилигини соддалаштириш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2011 йилнинг 1 октябридан бошлаб солиқлар, божхона божлари ва йиғимлари, шунингдек, бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузганлик учун пеня миқдори (кечиктирилган ҳар бир кун учун пеняни ҳисоблаш тартиби сақланган ҳолда) амалдагига нисбатан учдан бир қисмга камайтирилди.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар ўзи ишлаб чиқарган товар (иш ва хизмат)ларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод этилди. Худди шунингдек, хўжалик субъектларининг ўрнатилган технологик ускуналарга Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича республика ҳудудига олиб кириладиган эҳтиёт ва бутловчи қисмлар учун 2016 йилнинг 1 январигача божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимдан ташқари) тўлашдан озод этилгани ҳам алоҳида эътирофга моликдир.

Булардан ташқари, Президент қарорига мувофиқ, ўтган йилнинг 1 октябридан бошлаб товарлар, ишлар ва хизматларни экспорт қилувчи микрофирмалар, кичик корхоналар учун божхона органларида экспорт шартномаларини ҳисобга қўйиш божхона расмийлаштируви жараёнида бевосита божхона постларида амалга ошириладиган бўлди (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сонли фармони билан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ хомашё товарлари экспортидан ташқари). Шунингдек, тажриба тариқасида экспортга етказиб бериш билан боғлиқ тартиботларни "Бир дарча" тамойили асосида бажариш механизмини босқичма-босқич амалга ошириш белгиланди. Бу божхона расмийлаштируви, декларация қилиш, сертификатлаштириш, санитария-эпидемиология назорати ва божхона расмийлаштируви жараёнида қатнашадиган бошқа ташкилотлар фаолиятини бир вақтнинг ўзида амалга оширилишини таъминлайди. Агар экспорт товарлари расмийлаштирувини ушбу тамойил асосида амалга оширилиши ўзининг ижобий самарасига эга деб топилса, 2012 йилнинг 1 апрелидан у барча ТИФ божхона постларида жорий этилиши кўзда тутилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантириш учун янада қулай бизнес муҳитини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги мамлакат миллий экспорт салоҳиятини оширибгина қолмай, умумиқтисодий ривожланишни ҳам таъминлашга хизмат қилади.

Х.РЎЗМЕТОВ,
тадқиқотчи

Соғлом авлод учун

Оилалар мустаҳкамлиги йўлида

Оила азалдан жамиятнинг пойдевори ҳисобланади. Бу қўрғон мустаҳкам бўлиши унда яшовчиларнинг саломатлигига боғлиқ. Мамлакатимизда инсон саломатлигини сақлашга доир оламжаҳон ишлар амалга оширилмоқда. Юртбошимиз раҳнамолигида истиқлолнинг илк кунлариданоқ ўтган давр ичида бу борадаги саъй-ҳаракатлар юқори чўққига кўтарилди, десак ўринлидир.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг мамлакатимизда «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши соҳага доир ишларнинг янада ривож топишига хизмат қилиши шубҳасиз. Шу ўринда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳам ўз фаолияти билан аҳоли тиббий маданиятини юксалтириш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жамғарма ўз фаолияти жараёнида юртимиз эртаси бўлмиш болалар саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Биргина мисол тариқасида, ўтган йили туғма гипотиреоз билан касалланган болаларни даволаш мақсадида танлов эълон қилинди. Танлов натижаларига кўра, умумий қиймати 41 миллион 175 минг сўмга тенг левотироксин натрий дори препарати "Дори-дармон" компанияси томонидан Республика скрининг маркази орқали унинг вилоятлардаги марказларига етказиб берилди. Яна шу мақсадда 2692 дона "L-тироксин" препарати она ва бола саломатлиги учун жалб қилинди. Бундан ташқари, фенилкетонурия касаллиги билан оғриган болаларни дори-дармон билан таъминлаш мақсадида "Stratford Group Management LTD" (Буюк Британия) фирмаси билан шартнома имзоланганди. Унга кўра, фирма юртимизга қиймати 802,3 минг АҚШ долларига тенг дори-дармонлар олиб келинди. Жамғарма уларни етказилиши лозим бўлган жойларга мақсадли йўналтирди.

Албатта, касални даволашдан кўра, унинг олдини олган маъқул. Бу нақл жамғарманинг ҳам асосий иш принципларидан бирига айланган. Жамғарма томонидан республикамиз аҳолиси ўртасида келиб чиқиш хавфи бўлган турли ирсий, юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида кўплаб тушунтириш ишлари, давра суҳбатлари, семинарлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, ташвиқот ишлари жараёнида ёшларга "Скрининг нима?", "Гиёҳвандликни тўхтатамиз", "ОИТС ҳақида биласизми?", "Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари" сингари умумий адади 40 минг нусхадан иборат буклетлар тақдим этилди.

Хайрия жамғармаси "Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий патронаж тизимини ташкил этиш тўғрисида"ги Давлат дастури доирасида ҳам ўз чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, ҳаётга муттасил татбиқ этиб келмоқда. Чунончи, жамғарманинг тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари аҳолининг барча қатлами билан яқин муносабат ўрнатган. Улар республикамизнинг энг чекка ҳудудларида бўлиб, кўп болали, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга тиббий, болаликдан ногиронларга моддий ва тиббий ёрдам кўрсатиб, зарур маслаҳатлар бериб келади. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида тиббий ижтимоий патронаж тизими томонидан аҳолига жами 82926 қути дори-дармон жамланмаси, 185219 дона санитария-гигиена воситаси, 88 дона ногиронлар аравачаси етказиб берилди.

Шунингдек, жамғарма томонидан мамлакатимиз бўйича 1201 киши рентген, 5414 киши ультратовуш, 645 киши эса эхокардиография текширувларидан ўтказилди. Бундан ташқари, 2011 йили юрагида туғма нуқсони бўлган бир қанча болалар Германия клиникаларига юборилди ва улар юртимизга саломатлигини тиклаб қайтдилар.

Халқимиз саломатлиги йўлида қилинадиган ишлар кўлами кенгайиб, сифат жиҳатидан дунё талаблари даражасига тенглашиб бормоқда. Ягона мақсад аҳоли тиббий маданиятини янада ошириш ва соғлиғини яхшилаш. Мустаҳкам оила йилида бу каби саъй-ҳаракатлар янада кучайтирилади.

Улуғбек АСРОРОВ

Оғриқ

Ҳар ерни қилма орзу...

Шерали соғлом ва бақувват йигит эди. Қўлида гулдек ҳунари бор, дурадгорлик билан шуғулланар, топиш-тутиши ҳам ёмон эмасди. Нима бўлди-ю, хорижга бориб ишлаб келиш тараддудига тушиб қолди. Турмуш ўртоғининг, яқинларининг панд-насиҳатларига қулоқ тутмади. Маҳалладаги катта-кичик кўплашиб «Узоқнинг буғдойидан, яқиннинг сомони яхши» деган пурҳикмат гапнинг маъно-моҳиятини тушунтиришга уринишди. Аммо у айтганида туриб олди.

Фарзандларининг ризқини қийиб, рўзғорига барака киритиб турган бир бош соғин сигирни сотиб, йўл тадоригини кўра бошлаган Шерали келишилган суммани фирибгарнинг қўлига тутқазганини кеч англади...

Алишер Аҳмедов анча вақт кўпчилик тенгқурларининг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, уларни чув туширириб юрарди. Ўтган йилнинг май ойида қишлоқдоши Шерали Қурбонов ҳам унинг тузоғига илинди. Алишер қишлоқдошларидан 24 нафарига Россияда ишлашга, ойига 9 минг рубль маош тўлашга ваъда қилиб, фуқаролик паспортларини йиғиб олди. Ниҳоят, айтилган муддатдан икки ой ўтиб, Шерали бир неча қишлоқдошлари билан поездда Украина Республикасининг Белград области Караченикий районига етиб борди. Уларни вокзалда Анатолий исмли киши кутиб олади ва ишга жойлаштирди. Лекин маош тўғрисидаги ваъда ваъдалигича қолиб кетди...

Етти ой деганда Шералининг дараги чиқди. Унинг шифохонага тушганини эшитган яқинлари ўзларини қўярга жой тополмай қолишди. Қариндош-уруғ, яқинларидан қарз кўтарган етмиш ёшли ота ўғлини олиб келиш учун йўлга отланди.

Олис ўлкада хавфсизлик чоралари кўрилмаган бино қурилишида 20 метр баландликдан йиқилган Шералининг умуртқа поғонаси қаттиқ лат еган экан. Ўзгаларнинг ёлғон-яшиқ гапларига ишонган бўз йигитнинг энди тўшакда шифтга термулиб ётишдан бошқа чораси қолмаганди.

Жабрланганлар мамлакатимизнинг чет элдаги ваколатхонаси кўмагида ўз юртларига қайтиб келишгач, бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ҳуқуқ-тартибот идораларига хабар беришди. Олиб борилган тезкор қидирув ишлари натижасида одамфуруш Алишер Аҳмедов қўлга олиниб, тегишли жазога тортилди.

Трансмиллий жиноят деб аталмиш одам савдоси, афсуски, юқоридаги каби кўнгилсиз воқеаларга сабаб бўлмоқда. Республикамизда бу иллатга қарши курашиш, унинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилянти. Хусусан, 2008 йилда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда Президентимизнинг «Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Худди шунингдек, ўша йили Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация маркази ташкил этилди. Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси тузилиб, мазкур муаммога қарши курашишда ягона давлат сиёсатининг ишлаб чиқилиши эса турли идораларнинг одам савдоси қурбонларини ижтимоий ҳимоялаш йўналишидаги фаолиятини мувофиқлаштиришда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раислигидаги ушбу комиссия ҳар чоракда тегишли вазирликлар, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳудудий идоралараро комиссияларининг одам савдосига қарши кураш борасидаги фаолиятларини ўрганиб чиқиб, муҳокама қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир фуқаро одам савдоси деб аталмиш мудҳиш жиноятнинг мазмун-моҳиятини теран англаб етмас экан, кутилган натижага эришиб бўлмайди. Бинобарин, кўп ҳолларда ўз юртида сидқидилдан меҳнат қилиб, изланиб-интилиб яшаш ўрнига бегона тупроқдан «қанду асал» ахтарганлар ана шу иллат жабрдийдасига айланмоқда. Энг ёмони, улар ўз тақдирларини гаровга, ҳаётларини таҳликага қўйишаётир.

Шу ўринда яна бир гап — мамлакатимиз қонунлари фуқароларни чет элларда ишлашларини тақиқламайди. Шунинг учун фуқаролар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган чет элга юбориш ваколатига эга бўлган фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш бўйича Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги билан ҳамкорлик қилишса, айни муддао бўларди.

Халқимиз «Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарози» деган пурмаъно нақлни бежиз айтмаган. Ғаразгўй кимсаларнинг осон ва кўп пул топиш ҳақидаги чўпчакларига ишониб ўзга юртларда хору зорликда сарсон-саргардон бўлгунча, ўз юртимизда ризқ-насиба териб, оила даврасида соғ-саломат юриш катта неъмат. Зеро, инсоннинг ҳалол меҳнат билан юрт ривожига, халқ фаровонлигига ҳисса қўшишидан кўра шарафлироқ иш йўқдир.

Ҳасан ШОРУСТАМОВ,
Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги бўлим мудири

Паспорт, воситачи, алданган фуқаролар... Сўнгги пайтларда қулоғимизга тез-тез чалиниб қолган ушбу сўзлар ҳозирги куннинг энг оғриқли нуқтаси бўлиб қолмоқда.

Ёлғонларга ишонманг!

Таассуфки, мудҳиш жиноят — одам савдоси ғавғолари аллақачон бизда ҳам уруғ сочиб улгурди. Ҳудудий чегараланишни билмайдиган ушбу муаммонинг мамлакатимизга ўз таъсирини ўтказаётганига кўпинча ўзимиз бевосита ва билвосита шароит яратиб бераётганимиз ачинарли ҳол. Чет элларга бориб, у ерда катта даромад орттириш илинжидаги баъзи бир ғўр, ишонувчан фуқаролар, шу жумладан ёшлар ва аёллар нафси ҳакалак отган фирибгарларнинг кўринмас, бироқ оқибати фожиага олиб борувчи тузоқларига илиниб қолишмоқда.

Фирибгарлар одамларни ишонтириш учун шундай ёлғонларни тўқиб чиқаришадики, гўё улар юбораётган давлатларда "жаннат" ҳукмрон эмиш, пул осмондан ёғилиб турармиш. Фуқароларни чет элларга юбориш бўйича ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуққа эга бўлмаган кимсаларнинг манна шундай "чўпчак"ларига ишониб чет мамлакатларга йўл олаётганларнинг қисмати фожиали якун топмоқда. "Ўйламай қилинган иш — келтирар ташвиш" деганларидек, жабрдийдалар қилган хатоларини кеч, бошлари деворга бориб урилгандан сўнггина тушуниб етишмоқда.

Кишини таажжублантирадиган жиҳати эса, республика ОАВлари орқали одам савдоси, унинг келиб чиқиш омиллари ва оқибатлари ҳамда ушбу жиноятнинг қурбони бўлиб қолаётганларнинг аччиқ қисмати ҳақида бот-бот тилга олиниб, бонг урилаётганига қарамасдан, билиб-билмай одам савдоси жабрдийдаларига айланиб қолаётганлар ён-атрофимизда ҳали-ҳамон учраб турибди.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар кўпинча соддалигимиз, ҳаддан ташқари ишонувчанлигимиздан келиб чиқмоқда. Халқимизда топиб айтилган бир гап бор: "Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма". Киши, аввалambор, асосий айбни ўзидан қидирмоғи лозим. Инсонга оламдаги ҳеч бир мавжудотга инъом қилинмаган олий неъмат — онг-шуур, ақл-заковат нисор этилган. Тўғрини нотўғридан, ёлғонни чиндан фарқлай билиш инсонгагина хос. Шундай экан, танимаган-билмаган кимсаларнинг ёлғонларига ишониб, ҳаётимизни ўзимиз ўз қўлимиз билан барбод қилмайлик. Инсон манфаатлари олий қадрият мақомини олган озод ва обод Ватанимизда ризқимизни топайлик. Ахир, бизда яратилган шарт-шароит ва имкониятлар ҳеч қаерда топилмайди. Биздан талаб қилинадигани эса, ҳалол меҳнатдир.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси

Сўз санъатидан сабоқлар

Маъжоз ва тимсол

Бирор-бир бадиий асарни қўлига олган китобхон, аввало, унинг нима ҳақда эканига қизиқади. Варақлайди. Ёзувчининг сўз қуриш маҳоратига эътибор беради ва китобни харид қилиш ё қилмаслик масаласини ҳал этади. Ҳар ҳолда, саводли китобхон шундай йўл тутади. Бадиий асарларни мутолаа қилишнинг ҳам ўз йўли бор. Кимнидир воқеалар ривожи қизиқтирса, бошқаларни ёзувчининг ўша воқеа-ҳодисаларни маҳорат билан ифодалаш санъати ўзига сеҳрлаб олади.

Қилаётган асарларнинг бадиий қийматини унинг ғоявий йўналиши, маънолар остидаги маънилар белгилайди. Чуқур, тагдор маъноларга эга асарлар савияси ёзувчиларнинг иқтидор даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Тагмаънонинг каттаси, албатта, маъжозда, тўлақонли маъжозий асардадир. Маъжознинг каттаси эса, аввало, масалда яққол зуҳурини топади. Араб тилидаги "мақола" сўзининг ўзаги "мақол" бўлганидек, "масала" сўзининг ўзаги "масал" эканлиги мутлақо бежиз эмас. Зотан, масал башарият закоси яратган сўз санъатининг шундай олий шаклики, унинг замирига теран сингдирилган масалаларга таққослаганда математика фанидаги энг чалкаш ва чигал масалалар, ҳатто тўрт номаълумли тенгламаларни ҳолва, дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам қадимий юнон адиби Эзоп асарлари билан қадимий ҳинд халқининг закосини ўзида мужассамлаштирган "Калила ва Димна" асаридан то, дейлик, мавлоно Муҳаммадшариф Гулханийнинг ўлмас "Зарбулмасал"ига қадар жаҳон адабиётининг энг шоҳ асарлари айни шу масал жанрида яратилган. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг "Маснавийи маънавий", шайх Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" ва ҳазрат Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асарлари эса, жаҳон халқлари масалнавислигининг ўзига хос гултожлари ҳисобланади. Чинакам ёзувчининг "Мана, бадиий публицистика!" деса дегудек мақоласи мақолдек лўнда ва мухтасар бўлгани каби, чинакам масалнависнинг асарида умумбашарий тирикликнинг туб ҳаёт-момот масалалари ўзининг теран ифодасини топган бўлади. Бунда семурғ, қақнус, самандар ва бошқа қушлар, най ва шу каби чолғу асбоблари, бошқа нарса-жонзотлар теран тагмаънога эга рамз ва тимсоллар сифатида кенг истифода этилади.

Сирасини айтганда, нафақат масал ва, умуман, маъжозий асар, ҳар қандай бадиий асарни теран тагмаъноларга эга рамз ва тимсолларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Хусусан, ўзбек халқ қўшиқларида, мумтоз шеъриятимизда кенг қўлланилувчи гул ва булбул, оқ олма-қизил олма, май ва соқий сингари беҳисоб рамз ва тимсоллар шунақанги теран тагмаънога эгаки, уларни шарҳлашнинг чек-чегараси йўқ. Айни шу тагмаънолар чинакам бадиият намуналари сифатида тингловчи ва ўқувчида эстетик завқ-шавқ уйғотиб, хушнуд кайфият ҳосил қилади. Масалан (дарвоқе, шу "масалан" сўзи ҳам масалдек мухтасаргина гапда масаланинг моҳияти рўй-рост ва аниқ-тиниқ кўрсатиб берилмоқчилигини англатиб туради!), дейлик, ўзбек халқ қўшиғидаги "Олмача-анорингга балли, Донаи холингга балли" сатрларида гап фақат маъшуқа қўлидаги олма билан анор ва ё юзидаги хол хусусидагина эмас, муайян жисмоний аъзоларга шаъмадир. Олма, анор ва хол тимсоллари шу тагмаънони англатиш йўлидаги бир восита эканини тушуниш мумкин. Тагмаънога лоқайд ўқувчи бу хусусда ўйлаб ҳам ўтирмайди. Чунки фикри теран эмаслиги ёки билим савиясининг пастлиги учун у тагмаъноларни "кўра билмаслиги" мумкин. Нўноқ шоир-ёзувчи ҳам ўзининг яланғоч сатрларида ошкора уятсизлик, яъни парнографияга йўл қўйиши эҳтимолдан холи эмас. Бунга кўплаб мисоллар келтирса бўлади. Айниқса, қўшиқчиликда. Ҳолбуки, ҳар бир сўзи камида бир неча маънони англатиб турувчи ўзбек халқ оғзаки ижоди, айниқса, халқ латифалари, аскиялари ва термақўшиқлари юза маънода тагмаънони тимсол орқали санъаткорона ифодалашнинг ибратли намуналарики, уларни парнографияда айблаёлмаймиз.

Гул ва булбул, оқ олма ва қизил олма, олма ва анор сингари кўпдан-кўп гўзал ташбиҳ-ўхшатишларга асосланган тўлақонли рамз ва тимсолларни яратиш, айни чоғда, яланғочлик ва юзакиликка ўрин қолдирмаслик, айтиш мумкинки, ҳар бир чинакам сўз санъаткори учун камдан-кам ҳоллардагина эришиш мумкин бўлган ўзига хос юксакликдир.

XX аср ўзбек шеъриятида, масалан, Чўлпоннинг бинафшаси билан Ойбекнинг наъматаги мана шундай қамёбу ноёб тимсолдардан. Бу тимсоллар мумтоз шеъриятимизда яратилган семурғ, қақнус, самандар, ҳумо, бойўғли, гул-булбул, май-соқий ва бошқа кўпгина тимсоллар билан бир қаторда тура олади. Нопок қўлларда хор-абгор бўлган баҳор элчиси — бинафша, яъни фоҳишанинг афтода аҳволи, ҳайфу уволлиги билан қаҳри қаттиқ ва совуқ тош устида ҳам гуллаб турган наъматак, яъни мазлуманинг ҳаётга чанқоқлиги, яшовчанлиги... Бу шунчаки табиат ҳодисаси эмас, балки табиат ҳодисаси орқали жамият ҳаёти — ижтимоий ҳодисани санъаткорона акс эттиришнинг ибратли намунасидир.

Ҳар бир масалнавис ҳам умумбашарий аҳамиятга молик ҳаёт-момот масалаларини санъаткорона акс эттириш истеъдодига эга бўлавермайди, албатта. Шунинг учун аксарият масалнависларнинг асарлари том маънодаги масалга айланмай, оддийгина "ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар", "ҳайвонлар ҳақидаги ҳикоялар", "ҳайвонлар ҳақидаги шеърлар" даражасида қолиб кетавериши мумкин. Худди шундай, ҳар бир ёзувчи ўзи айтмоқчи бўлаётган фикрни ўқувчига уқтириш учун мисолни хаёлдан эмас, ҳаётдан олишга ва уни ўзига хос тимсолга айлантиришга ҳаракат қилади, лекин ҳамма ҳам бу ишнинг уддасидан чиқолмайди. Мисол тимсолга айланолмай, оддийгина мисол даражасида қолиб кетиши ва у вақти-соати билан буткул унутилишга юз тутиши мумкин. Лекин тимсолнинг йўриғи бутунлай бошқа!

Мутафаккир шоиримиз Асқад Мухтор буюк Ғафур Ғулом ҳақида гапириб, уни "халқ тимсоли, ўзбек тимсоли" дея таърифлаган эди.

Шоирона муболағага йўғрилган таърифлар ўз йўлига, албатта. Лекин амалда "халқ тимсоли, ўзбек тимсоли" бўлиш ва ё ўз асарида бундай ўлмас тимсолни яратиш!.. Бу ҳар бир замонда ҳар бир халқ ва ҳар бир чинакам халқ ёзувчисининг энг муқаддас орзуси бўлиб келган, ҳамиша шундай бўлиб қолаверади. Дейлик, "Алпомиш" достонидаги Ҳакимбек, "Фарҳод ва Ширин"даги Фарҳод, "Ўткан кунлар" романидаги Отабек, "Кеча ва кундуз"даги Зеби(нисо), "Қутлуғ қон"даги Йўлчи ва "Навоий" романидаги Навоий сиймолари киройи халқнинг киройи тимсоллари сифатида, мана, қанча вақтлардан буён қад ростлаб туриб-ди ва ҳамиша шундай бўлиб қолади.

Ҳозирги ёзувчиларимиз олдида эса, оддийгина мисоллар қаторини саржиндек қалаштириш эмас, аксинча, бундай киройи тимсоллар қаторига янги замоннинг янги ва муносиб тимсолларини қўшишдек энг муқаддас вазифа турибди.

XIX аср рус адабиётида "обломовчилик", "печоринчилик", "онегинчилик", Ғарбий Европа адабиётида эса, "донкихотчилик", "донжуанлик", "робинзон крузочилик" сингари тушунчалар пайдо бўлган. Бутун бир ижтимоий табақанинг ўзига хос тимсолларига айланиб кетган Обломов, Печорин, Онегин, Дон Кихот, Дон Жуан, Робинзон Крузо каби адабий қаҳрамонлар мазкур адабиётларнинг нақадар бемисл тасвир, ифода ва таъсир қудратига эга, шу боис умумбашарий аҳамиятга молик бўлганини кўрсатиб турибди, дейиш мумкин. Хўш, бизнинг адабиётимизда мана шундай муайян ижтимоий табақанинг тўлақонли тимсоли бўлган "-чилик", яъни, "-щина"лар, аслида ҳам йўқми, ё адабиётшунослигимиз уларни кўрсатиб беролмаяптими? "Отабекчилик", "зебичилик", "йўлчичилик" сингари атамаларни қўллаш эриш туюлмайдими? Бу ҳол ўзбек романчилигининг биз истаганимиздек умумбашарий даражага, минг афсуски, ҳамон юксалаёлмаётганини кўрсатиб турибдими, ё адабиётшунос олимларимиз билан таржимонларимизнинг нўноқлигини кўрсатадими? Ахир, дейлик, Чингиз Айтматов асарларининг умумбашарий аҳамият ва қадр-қиммат касб этганини биргина "манқуртлик", "манқуртчилик" атамалари бутун жаҳон аҳли тушуниб қўллайдиган атамаларга айланиб кетганиёқ кўрсатиб тургани йўқми?!.

Демоқчимизки, "Келажакда ўзбек адабиёти буюк адабиёт бўлади" дея орзу қилган буюк Абдулла Қаҳҳорнинг орзуси, айниқса, Ўзбекистон давлат мустақиллиги шароитида ушалмоғи лозим.

ОТАУЛИ

Орамиздаги одамлар

Дунё умидли. Ҳа ҳаётда эзгу орзусиз, умидсиз инсон бўлмайди. Фан оламига энди кириб келаётган ёш тадқиқотчиларнинг орзуларидан бири ҳам устозлари янглиғ ўз соҳасининг устаси бўлиш, ҳаётини бахшида этган йўналиш муаммолари ечимини топишдан иборат.

Ибрат мактаби

Устоз Қўчқор Хоназаров ана шундай умидлар билан фан оламига кириб келган олимлардан. Биласиз, фалсафа фанининг муҳим омилларидан бири, бу — тил, тафаккур, соддароқ ифода этганда тил ва дил бирлиги масаласидир. Шу нуқтаи назардан, тил дил кўрки бўлиб, инсонтийнатини зийнатлайди, кундалик ҳаётда ички ахлоқий маданиятини ифодалайди, муносабатлар ва мулоқотларда намоён этади. Демак, тил мулоқот воситаларидан бири, миллатнинг асосий ва муҳим белгиларидан ҳисобланади.

Ўзбек тилининг ижтимоий ҳодиса сифатида, мамлакатда мустақил давлатчиликни шаклланиши ва ривожланишидаги ўрни домла илмий изланишларининг асосий объектидир. Ўтган давр мобайнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, уни том маънодаги миллий қадриятга айлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари шубҳасиз, Қўчқор Хоназаровнинг рисолалари, мақолалари алоҳида ўринга эга. Зеро, истиқлол йилларида ўзбек тилининг қўлланиш доираси амалда кун сайин кенгайиб бораётгани, уни илмий асосида ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар, тилимизнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган илмий ва оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалари, янги-янги луғатлар кўплаб чоп этилаётгани жамиятда тафаккурнинг юксалишига катта ҳисса қўшмоқда.

Домланинг илмий изланишлари мавзуларини мустақиллик ва маънавият, тил ва мафкура, миллий қадриятлар, Ўзбекистон фалсафасини жаҳонга танитиш, хорижий мамлакатларда унинг бой меросини ёйиш каби масалалар ташкил этади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки устоз институт ва университетларда таҳсил олган талабалик йилларида, аспирантлик даврида чет тилларни чуқур ўрганди. Хорижлик мутахассислар билан фалсафага оид учрашувларда бемалол, уларнинг тилларида баҳсга киришиши ва теран фикрларини асослаб бериши барчада ҳавас ҳамда ҳайрат уйғотади. Унинг ўзбек зиёлиларига хос маданияти, ҳозир жавоблиги, ёш тадқиқотчиларга имкон даражасида ёрдам беришга доим шайлиги эътиборга сазовор ҳислатлардандир.

Бугун баралла айтиш мумкин, мустақиллик йилларида шаклланган ўзбек миллий фалсафаси ривожи бевосита устоз файласуфларимиз номи билан боғлиқ. Улар орасида жумладан профессор Қўчқор Хоназаров ҳам бор. Бу йиллар давомида биз устоз билан Ўзбекистон Республикаси файласуфлар жамияти фаолияти ҳамда номзодлик диссертациялари ҳимояси учун ташкил этилган Бирлашган ихтисослашган кенгаш ишида ҳамкорлик қиламиз. У киши кенгашимизнинг фаол фахрий аъзоларидан ҳисобланади. Юқорида айтганимиздек, ёш тадқиқотчиларнинг оқил маслаҳатгўйи ва меҳрибон устозидир.

Бердиқул ТЎЙЧИЕВ,
профессор

Биринчи китоб тафти

Ёшликнинг илк ваъдалари

Ёшлик — илҳом булоғи. Умрнинг туйғулар таровати уфурган зангор фаслида қўлига қалам олмаган бормикан! Бугун адабиётимизга муаттар эпкинларни олиб кираётган ёшлар ижодининг сарчашмаси Истиқлол экани айни ҳақиқат. Ижод аталмиш мўъжизавий дунёга умидли қадамлар қўяётган ёш истеъдод эгалари ҳуррият наволарига ҳамоҳанг тарзда ўз кўнгил кечинмалари, юртга, ота-онага муҳаббатини бадиий тилда изҳор этаётир. Яратилаётган имконият, шарт-шароитлар ёш авлод руҳиятини кўтариш билан бирга, уларда масъулият, эътиборга муносиб бўлиш ҳиссини уйғотиши табиий.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан "Биринчи китобим" лойиҳаси доирасида чоп этилган ёш ижодкорларнинг илк тўпламларини ўқиб ана шундай фикрлар хаёлдан ўтди.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2010 йил 26 февралдаги "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида "Ижод" фондини тузиш тўғрисида"ги қарорида юртимизнинг турли ҳудудларида яшаётган ёш иқтидор эгаларини аниқлаш, улар ижодини рўёбга чиқариш ҳамда ёш истеъдод соҳибларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган, шунингдек, ёш қаламкашларнинг илк китобларини чоп этиш бўйича ҳам аниқ кўрсатмалар берилган эди. Мазкур қарор ижроси юзасидан уюшма томонидан "Биринчи китобим" лойиҳаси ишлаб чиқилиб, шу асосда 2010 йили 5 нафар ёш ижодкорнинг илк тўпламлари нашр этилди. Ўтган 2011 йили ёш қаламкашнинг назм, наср, адабий танқидчилик ва болалар адабиёти йўналишларидаги 170 га яқин қўлёзмалари қабул қилинди. Ушбу қўлёзмалар "Дўрмон" ижод уйида ўтказилган республика ижодкор ёшларининг семинарларида сараланиб, устоз-шогирдлик анъанасида "элак"дан ўтказилди. Уюшма ижодий кенгашлари тавсиясига кўра, шулардан 11 та қўлёзма "Адиб" нашриётида катта нусхада чоп этилди.

Назмда қалам тебратаётган Меҳриноз Аббосова ("Мен ёшликман"), Дилрабо Норқулова ("Қуёшга яқин маскан"), Нуржаҳон Авазова ("Ҳайрат"), Ориф Толиб ("Учрашув"), Сарвиноз Мусатдинова ("Карвон йўллари"), наср йўналишида ижод қилаётган Муяссар Тиловова ("Бургутлар"), Гулноз Мамарасулова ("Кутаётган аёл"), ёш адабиётшунос Муҳайё Йўлдошева ("Янгиланишлар мангулиги"), болалар учун ҳикоя, эртак ва шеърлар битаётган Меҳрибонгул Тожимуротова ("Болаликнинг бир куни"), Азиза Қудратова ("Олтин тариқ") ҳамда Қобилжон Шерматов ("Қишлоқжоним") шулар жумласидан.

Бундан ташқари, 2011 йил давомида уюшма томонидан ўтказилган анжуманларда кашф этилган ёш истеъдод эгаларининг назм, наср ва адабиётшунослик йўналишидаги илк асарлари "Кафтдаги ниҳол" баёзига жамланди. Ёзувчилар уюшмаси, "Ўзбеккино" миллий агентлиги ҳамда "Ўзбектеатр" бирлашмаси ҳамкорлигида ўтказилган ёш драматурглар семинарида фаол иштирок этган ёш ижодкорларнинг пьеса ва киносценарийларидан иборат "Жозиба" тўплами чоп этилди.

Албатта, биринчи китобнинг масъулияти катта бўлади. Ижодкор тақдирини ҳар жиҳатдан унинг илк китоби белгилайди. Очиғи, кейинги йиллари ҳаваскорларнинг илк машқлари китоб ҳолида чоп этилаётгани одатий ҳолга айланиб қолганди. Қувонарлиси, бу масалага ҳукумат миқёсида ўз вақтида эътибор қаратилиб, биринчи китобларнинг савиясини кўтариш, ёшларнинг ҳар жиҳатдан пишиқ ва мукаммал тўпламларини нашр этиш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди. "Биринчи китобим" лойиҳаси эса ана шу эзгу ишларнинг натижасидир.

Илк тўплам муаллифлари "Дўрмон" ижод уйида ўтказилган республика ижодкор ёшларининг турли йўналишдаги семинарларида чиниққан. НамДУ қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Меҳриноз Аббосова улар орасида энг ёши. Аммо унинг ёзганларини ўқиб, шеърлари ўзидан анча катта эканини ҳис қилсангиз, ажаб эмас.

Юраги ўзидан катта қизалоқнинг "Энди менга суян, дегим келади, Шарт бағримга босиб Ўзбекистонни!" деган сўзларига ишонгиси келади одамнинг. Ҳа, Ватан ҳақида оғиз тўлдириб эмас, юрак тўлдириб гапириш керак! Ҳали ўн еттига тўлиб-тўлмаган қизчанинг юрт, халқ ҳақида болаларча беғубор куюнчаклик билан сўз айтиши, ҳатто бугунги ўзгаришларга дахлдорлигини ҳис қилаётганининг ўзиёқ келажаги ёрқин эканига умид уйғотади. Болалик билан хайрлашиб кўнгил уйидан ёшлик диёрига чиқиб кетаётган қизча яхши англайдики:

Юракдан отилган битта сўз билан
Дунёни титратиб юбориш мумкин

У келажакда шоир сифатидаги ўз йўлини белгилаб олади:

Баланд гаплар ёз, дейсиз,
Қумдан қаср қургум йўқ.
Ўртачароқ, шунчаки
Гапдон шоир бўлгум йўқ.

Энг муҳими, Меҳриноз ҳақиқий шеър улкан дарддан бино бўлишини тушуниб етган кўринади. Бир шеърида шоирликка йўл тимдаланган юрак чизиқлари эканини айтади. Жуда ёш бўлса-да, ялтироқ дунёнинг устидан кулишга ўзида журъат топади. Тўғри, Меҳриноз-нинг барча шеърлари ҳам бирдек эмас. У шеъриятда ўз қатъий йўлини топиш учун ҳали кўп изланиши керак.

Нуржаҳонда эса шеърни фалсафий фикр асосига қуришга мойиллик сезилади. Ўзи айтмоқчи, ҳар ишдан фалсафа қидиради. У умрнинг тўрт фаслини шундай атайди: Туғилиш, Улғайиш, Бахт ҳамда Ўлим. Ҳақиқий шеърият замирида катта фалсафа борлиги рост гап. Аммо шеър қуруқ фалсафа тўқишга айланиб қолмаслиги, ижодкор имкон қадар бундан қочишга ҳаракат қилиши керак.

Дилрабо Норқулова шеърий битикларида қиз кўнглининг инжа туйғулари, ноз-аразлари ўзига хос тарзда поэтик талқин этилади. Унинг ой билан суҳбатлари, севги ҳақидаги самимий сатрлари ўқувчи эътиборини тортмай қолмайди.

Ориф Толиб тўпламининг ярмидан кўпи севги-муҳаббат ҳақидаги шеърлардан иборат. Ёш ижодкор аксарият битикларида дарддан қочади, шодон-шодон қўшиқлар айтгиси келади. Бу унинг шеъриятда танлаётган йўлидир, эҳтимол. Унинг назарида, соғинч ҳам "тутуриқсиз дард" — кутилмаганда тутиб қолади. Орифнинг ўйноқи, халқона оҳангдаги сатрлари, табиий ташбеҳлари, айрим ўйчан мисралари кўнгилга тез юқади.

Биринчи китоблар муаллифлари орасида кичкинтойлар учун ижод қилаётганлар ҳам борлиги қувонарли.

— Истиқлол шарофати билан ижод эркинлигига эришганимиз туфайли ўзбек болалар адабиётида ҳам жиддий изланишлар бўй кўрсатмоқда, — дейди таниқли болалар шоири Турсунбой Адашбоев. — Бугунги ўзбек болалар шеъриятининг иқтидорли вакиллари панд-насиҳатга йўғрилган асарлар ўрнига, янги давр талабларидан келиб чиқиб, болаларимизнинг фикрини чархлайдиган, ақлини қайрайдиган асарлар яратишмоқда.

Меҳрибонгул Тожимуротова, Азиза Қудратова ҳамда Қобилжон Шерматовнинг кичкинтойлар учун ёзаётган эртак, шеър ва ҳикояларида ҳам ана шу жиҳат — қуруқ дидактикадан қочиш, ёзганларига болалар ҳазм қила оладиган фалсафий фикрни сингдира олишга интилаётганини илғаш қийин эмас.

Шунингдек, Муяссар Тиловова, Гулноз Мамарасулованинг ҳикоялари, Муҳайё Йўлдошеванинг ўзбек модерн шеърияти борасидаги адабий тадқиқотлари ҳам бугунги ёшлар ижоди борасида яхши тассурот беради.

Албатта, тўпламлар жузъий камчиликлардан ҳоли эмас. Лекин катта адабиёт дабдурустдан яратилмайди. Зеро, бу тўпламлар ёш ижодкорларнинг халқимиз, адабиётимиз олдидаги илк ваъдаларидир. Ишонамизки, ёшлик ҳали ўзининг муносиб сўзини айтади.

Беҳзод ФАЗЛИДДИН

14 февраль – Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

АБАДИЯТНИНГ ШОҲ ШОИРИ

Ўзбек адабиётининг йирик намунаси — “Бобурнома”нинг жаҳон маданияти тарихида муайян ўрни бор. “Шарқ Цезарининг комментариялари” (Ҳерман Вамбери) деб баҳоланган ушбу асарда шоир, шоҳ ва саркарда Бобурнинг дунёқараши, қомусий билимлари, нозик диди ўз ифодасини топган, мураккаб ҳаёт йўли батакрор бўёқларда тасвирланган.



“Бобурнома” тарихий ҳақиқатни ўзида мужассамлаштирган асар. Адиб унда ўз кўрган-кечирганларини ҳаққоний тасвирлайди. Бадиий бўёқларни қўлласа-да, воқеаларни бўрттирмайди, ҳаётий қиёслардан фойдаланади. Тарихий воқеаларни баён қилиш, тасвирлаш устунлик қилса-да, “Бобурнома” жозибадор. Асар шоирона қалб ва ҳаёт ҳақиқатининг ўзига хос уйғунлашуви ҳосиласи экани сезилиб туради. Муаллиф ўзи қаламга олаётган воқеаларни оқ ва қора рангларда кўрсатишдан чўчимайди. Яхши ва ёмон сифатлар бир-бири билан ёнма-ён келади. Отаси ҳақида гапирадими, яқин кишиларини таъриф-тавсиф қиладими, ўз принципидан воз кечмайди.

Иккинчи муҳим жиҳат эса, “Бобурнома”да муаллифнинг ўз-ўзига муносабати тасвири. Ўзи билан боғлиқ воқеаларни инкишоф этганида, кўнглида борини ёзишга қудрати етганлиги аллома Бобурга хос муҳим жиҳатдир.

“Илгари яхшими, ёмонми, жиддийми ё ҳазилми, нима хаёлимга келса, мутойиб йўли билан баъзан шеър қилиб айтардим. Жуда ёмон ва қўпол шеър бўлса ҳам ёзиб қўйиларди. “Мубаййин”ни шеърга солаётган чоғим ожиз хаёлимга ва маҳзун кўнглимга сўзларни бундай қайд этган тилга ва фикрини ёмон сўзларга сарфлаган кўнгилга ҳайф, бундай маънони пайдо қилган ва яна қўпол хаёлларни хотирга келтирган ундай кўнгилга афсуслар бўлсин, деган фикр келди.” Адибнинг бу каби маърифий фикрлари, ўз-ўзини ислоҳ қилиш йўлидаги уринишлари асарнинг кўп ўринларида учрайди, бу китобхоннинг Бобур шахсига бўлган қизиқишининг ортишига сабаб бўлади. “Бобурнома”ни мутолаа қилиш жараёнида муаллифнинг ўз-ўзини тафтиш этиш, ўз-ўзини англаш йўлидаги изтироблари беихтиёр китобхонга ҳам кўчади. Айни шу жиҳат унинг яхши асар эканидан далолатдир. Зеро, дунёдаги барча яхши китоблар улардаги дарднинг китобхон дардига айланиши билан бир-бирига ўхшаб кетади.

...Бир сафар йигитлари билан Кобул сари отланган Бобур қаттиқ бўронга дуч келадилар. Ёғингарчилик шу даражада кучаядики, охир-оқибат йўл ёпилади. Шунда йигитлар белигача, кўксигача қорга ботадилар. Ҳалокатдан қутулиш учун ўзларига йўл очадилар. Бобур бу воқеани шундай эслайди: “...Ана шу куни қаттиқ бўрон кўтарилиб, қор ёғарди. Барча ўлим вақимасига тушди... Қорга етганда, қор қуюни тезлашди. Ушбу ғор қошида тўхтадик... Кўплар от устида тонг оттирди, ғор торроқ кўринди. Мен ғорнинг оғзида курак олиб, қор курадим, қорни кўксимгача қазидим, сира ерга етмасди. Бироз шамолдан пана бўлди, ўша ерда ўтирдим. Ҳар қанча: “ғорга кириинг”, дейишса ҳам кирмадим. Барча эл қору бўронда, мен эса иссиқ уйда истироҳатда ўтираманми, деб ўйладим. Мунда барча эл ташвиш ва машаққатда, мен бу ерда уйқую фароғатда бўлайми?! Бу мурувват ва ҳамжиҳатликдан йироқ ишдир. Мен ҳам ҳар ташвиш бўлса кўрайин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса, турайин. Бир форсий мақол бор: “Дўстлар билан бирга топилган ўлим — тўйдир”.

Бобур ҳаётида бу сингари ўзгаларга ибрат бўладиган аъмоллар жуда кўп. Бу унинг ўз хатоларини яширмасдан, ошкор ифодалашида худди рубоийларидаги каби “Бобурнома”да ҳам ифода топаверган. Демак, шоир учун бадиий жанрлар муайян қолип, муҳими — фикр. Унинг фикрлари эса маърифатли эди.

Бутун умрини йўқотиш ва топиш синовлари билан кечирган, ўзгалар ғами билан яшашга ўрганган шоҳ Бобур фарзандларининг ҳам комил бўлиб улғайишини ўйлади, шу ҳақда қайғурди, уларнинг тарбияси билан шуғулланишни муҳим деб билди. Бинобарин, Гулбаданбегимнинг “Ҳумоюннома”си, фарзандларининг гўзал шеърлари, “Девон”лар, уларнинг нозик таъблари-ю ўткир дидларини фақат қондан ўтиб келган, деб бўлмас. Бу — Бобурнинг тарбияси. У “Хатти Бобурий”ни яратди, “Мусиқа илми”, “Ғарб илми” каби асарларни ёзди. Булар, энг аввало, фарзандлари ўқиши, ўрганиши зарур бўлган китоблар эди. Мукаммал ахлоқ эгасини шакллантиришга мўлжалланган “Мубаййин” асари фақат дилбандларининг эмас, балки ўша даврдаги барча мўмин-мусулмонлар учун дастуриламалга айланган эди, бу асар бугун ҳам тарбиявий қимматини йўқотмаган.

Бобур қисматнинг шоири эди. Ўз борлиғида шоҳлик билан шоирлик қисматини уйғунлаштирган дилбар инсон. У шоҳлик азоб-уқубатларини, қувончу шодликларини, бахту фожиасини шоирлиги туфайли тўғри англади, дунёни мукаммалроқ идрок этди, ўзгалар қалбига кириб бора олди. ...Ва шу жиҳатлари билан абадиятнинг шоҳ шоири бўлиб қолади.

Каромат МУЛЛАҲЎЖАЕВА,
филология фанлари номзоди, доцент

Таниишув

КАҲКАШОН ОШУФТАСИ

Газетамизнинг ўтган сонларида “Коинот, инсон ва ҳаёт” рукнида дунёнинг нуфузли обсерваторияларида тажриба орттирган таниқли олим, Европа астрономия жамияти (EAS) ва Халқаро астрономия Иттифоқи (IAU)нинг аъзоси, физика-математика фанлари номзоди, педагогика фанлари доктори, профессор Маматмуса Мамадазимовнинг коинот илмига оид туркум мақолалари билан танишдингиз.

Бир-биридан қизиқарли материаллари билан газетхонларимизнинг кўнглидан жой олган Маматмуса Мамадазимовнинг ҳаёт йўли, ижодий изланишлари кўпчилик муштарийларимизда қизиқиш уйғотди. Бу борада таҳририятга республикамизнинг турли ҳудудларидан жуда кўп кўнғироқлар бўлди. Шу боис, ушбу ажойиб олим, ижодкор ҳақида икки энлик мақола ёзишга жазм этдик.

1942 йилда Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги Баландчақир қишлоғида туғилган Маматмуса болалигидан коинот шайдоси эди. Шунинг учун ҳам у мактабни тугатиб, айни пайтда ўзи хизмат қилаётган илм даргоҳи — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг физика-математика факультетига ўқишга кирди. “Физика ўқитувчиси” мутахассислигини эгаллагач, 1963 йилда туғилиб ўсган қишлоғига қайтиб, Алишер Навоий номидаги 1-ўрта умумтаълим мактабида физика ва астрономия фанларидан ўқувчиларга сабоқ бера бошлади.

Илмга чанқоқлик, астрономия фанига бўлган беҳад қизиқиш бўлажак олимни чинакамига олға етакларди. У улуғ бобокалонимиз, самовот илмининг султони Мирзо Улуғбек каҳкашонининг чинакам ошуфтаси эди. 1966 йили мазкур институтининг “Назарий физика” кафедрасида таниқли олим, профессор Раҳматулла (Маллабоев)нинг тавсиясига кўра стажёр-тадқиқотчи лавозимида иш бошлади. Ўша йилнинг охирида республика Фанлар академиясининг Тошкент астрономия обсерваториясининг “Қуёш физикаси” бўлимига стажёр-тадқиқотчи сифатида хизмат сафарига юборилади. Илм йўлига тушган ёш тадқиқотчи ҳар қандай шароитда ўзининг самовотни англаш орзу-ҳавас-лари сари интилди. Ана шу интилиш самараси ўлароқ, ўтган 30 йилдан ортиқроқ вақт илмий изланишларга, қизғин ижодий ютуқларга бой бўлди.

Сиз қизиқиш билан танишган коинот илмига оид мақолалар муаллифи айни пайтда Тошкент давлат педагогика университетининг физика-математика факультетида бакалавриат босқичининг физика ва астрономия ихтисосликлари учун “Умумий астрономия”, “Астрофизика”, “Космонавтика асослари”, “Астрономияни ўқитиш методикаси”, “Астрономия тарихи” каби ўқув предметларидан, шунингдек, қуёш ҳамда юлдузлар физикасига оид махсус курсларда талабаларга таҳсил бериб келмоқда.

М.Мамадазимов бу-лардан ташқари, республикамизнинг умумий, ўрта таълим ҳамда олий педагогика ўқув муассасаларида астрономияни ўқитишни яхшилашга қаратилган бир нечта методик ва ўқув қўлланмаларининг муаллифи ҳамдир. Хусусан, олимнинг “Сферик ва амалий астрономиядан масалалар”, “Қуёш системаси ҳақида очерклар”, “Мактабда астрономия ўқитиш”, “Астрономиядан ўқиш китоби”, “Улуғбек ва унинг расадхонаси”, “Ўқувчиларнинг астрономиядан олган билимларини текшириш” (Б.Кенжаев билан ҳаммуаллифликда) каби китоблари нашр этилган. Унинг “Астрономия” (академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун), “Космонавтика асослари” сингари монографиялари астрономияни ўқитиш методикасига доир асосий адабиётлардан саналади. Шунингдек, М.Мамадазимовнинг республикамиз ва қатор хорижий мамлакатларнинг илмий, илмий-методик журналларида чоп этилган рисолалари ҳамда халқаро илмий-амалий конференциялардаги маърузаларининг материаллари ва тезисларининг сони 100 дан ортиқ. Айниқса, олимнинг ёшларни физика ва астрономияга қизиқтиришга қаратилган фаолияти, илмий-оммабоп асарлари ўқувчию талабаларда катта қизиқиш уйғотади. Хусусан, унинг “Қуёш”, “Қуёш системасининг тузилиши”, “Квазарлар ва пульсарлар”, “Думли юлдузлар”, “Танишинг: юлдузлар”, “Космик келгиндилар ва цивилизациялар”, “Ер — ҳаммамиз учун ягона уй”, “Планетамизнинг глобал экологик муаммолари” каби китоблари ёшларнинг дунёқараши, ахлоқий, эстетик маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга илмий-оммабоп рисолалардан саналади.



Фахриддин РАҲИМОВ

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

Йигитлар ҳарбий хизматга жўнаб кетди

Қашқадарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктидан навбатдаги чақирилувчилар муддатли ҳарбий хизматга жўнаб кетди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, Қуролли Кучларимиз сафига ҳар томонлама соғлом, билими, дунёқараши кенг йигитлар танлаб олинаётгани ва уларнинг хизматни сифатли ўташи учун барча шароитлар яратилгани армиямизнинг жанговар салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Бундай изчил ислоҳотлар самарасида бугун миллий армиямизда хизмат қилиш ёшларимиз учун чинакам шарафли ишга айланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар шулар хусусида фахр билан сўз юритдилар. Белгиланган тартибдаги жисмоний тайёргарлик даражаси, интеллектуал салоҳияти ва билим даражасини аниқловчи тест синовларидан муваффақиятли ўтган, ҳар томонлама соғлом йигитларга миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш шарафи насиб этди.

Суратда: *(чапдан) ҳарбий хизматга чақирилувчилар Фарҳод Бобомуродов, Зуҳриддин Ғофуров ва Тошмуҳаммад Оролов.*

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Мерос

Савкеле — Маликалар тожи

Жозибали кашталар ва дурлар билан безатилган савкелеси бўлишини орзу қилмаган қорақалпоқ қизи бўлмаса керак. Кўз ўнгимизда қадимий анъаналарни жилвалантирадиган бу бош кийимини қорақалпоқ аёллари қадим-қадимдан тўймаросимларда кийишган.

Қизларнинг кўрки, безаги ҳисобланган, икки асрлик тарихга эга савкеле Қорақалпоқ шоири Бердақнинг “Олти қиз” деб номланадиган шеърида ҳам тасвирланган. Бундан кўринадики, савкеле қорақалпоқ халқининг миллий кийими, безаги ҳисобланади.

Қадимда савкеленинг нархи битта сигир ёки от баҳосига тенг бўлган. Шунинг учун уни ҳамма ҳам кия олмаган. Бу ноёб меросни тайёрлаш жараёни жуда мураккаб бўлиб, савкелени моҳир тикувчилар уч-тўрт ой давомида тикишган. Мазкур бош кийим тўрт қисмдан — қиран, қателек, шуршик, бойдадан ташкил топган. Унинг тепа қисми — бойда, орқа томонидаги парда — шуршик, икки чака томони — қиран, олд қисми эса қателек деб аталган. Қателек мисдан қош қўйиб ишланган. Рангин мунчоқлар йирик-йирик нақшларнинг устидан териб чиқилган. Ҳар бир қисм “қўчқор шохи”, “қумурсқа бел”, “сирғали”, “гулли” каби махсус нақшлар билан безатилган.

“Маликалар тожи” деб қадрланадиган савкеленинг пешонасидаги тош қиммат-баҳо бўлиб, у бахтли турмуш рамзи ҳисобланади. Манглайига қатор қилиб териладиган мунчоқларнинг ҳам ўз рамзий маъноси бор. Ёш қизларнинг савкелеси қизил, кичкина мунчоқлардан, узатилаётган қизларники эса қизил-яшил рангли ва йирик-йирик тошлардан иборат бўлади. Шунинг учун турмушга чиқаётган қиз, албатта, махсус савкеле тиктиради. Борган жойида тошдек қотиб, бола-чақали бўлиб кетсин, деган яхши ниятда савкеле қиз узатилмасидан олдин ўрик ёғочига илиб қўйилади.

Қумар БЕГНИЯЗОВА
Қорақалпоғистон Республикаси

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
hurriyat@doda.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Назира АБДУАЗИЗОВА
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:
Бухоро — 8-365-592-85-02,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — 8-373-215-80-58,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Отабек ОТАЁРОВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 18 00

Адади: 13205 Буюртма — Г-255 1 2 3 5